

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ НАЗАРИЯСИ, АМАЛИЁТИ ВА
ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

МУҲАББАТ ХЎЖАЕВА ТОҒАЙМУРОТОВНА

**“ЎЗБЕК МАТБУОТИДА ТАҚРИЗ ЖАНРИНИНГ ТАДРИЖИ:
РИВОЖЛАНИШ ВА МУАММОЛАРИ”**

**(Сўнгги йилларда нашр этилган газета журналлардаги манбалар
асосида)**

мавзусида 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

Жаҳон журналистикаси назарияси,
амалиёти ва тарихи кафедраси мудири

_____ ф.ф.н., доц. Н. Тошпўлатова

2012 йил “ _____ ” _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

ф.ф.н., доц. Т. Қаҳҳор

2012 йил “ _____ ” _____

Тошкент – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

Номланиши		бетлар
Кириш		3
Биринчи боб. Такриз жанри тараққётида ижтимоий-сиёсий мавзудаги такризларнинг аҳамияти		
	1.1.Ўзбек танқидчилигида такриз жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиш тарихи.	6
	1.2. Сўнги йилларда ўзбек матбуотидаги ижтимоий-сиёсий мавзудаги такризларнинг ўзига хосликлари (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мисолида).	21
Иккинчи боб. Бадиий асарларга ёзилган такризларнинг маънавий тараққиётидаги аҳамияти		
	2.1.Адабий – бадиий такризларда адабий жараёнга муносабатнинг намоён бўлиши (“Шарқ юлдузи” журнали мисолида).	31
	2.2.Такризларда ижодкор шахси (“Ёшлик” журнали мисолида).	42
Хулоса		49
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.		52
Илова		54

КИРИШ

Публицистикада шундай бир жанр борки, у орқали журналист ижодининг бор бўйи-басти янада теранроқ намоён бўлади. Бу –тақриз жанридир. Тақризлар – ижодкор меҳнатига баҳо берадиган, журналистнинг ютуқ ва камчиликларини рўй-рост айтадиган жанрдир. Унда асардаги кичик, кўзга кўринмасдек туюлган нуқталар ҳам очиб берилади. Тақризда ижодкорнинг маҳорати, ёндашуви ва у яратган асарнинг ўзига хосликлари таҳлил қилинади.

Мавзунинг долзарблиги. Мавзунинг долзарблиги шундаки, тақриз қайси соҳада, қайси мавзуда бўлмасин бирон бир асарни баҳолашда ҳолислик, илмий ёндашув бу жанр учун муҳим мезон ҳисобланади. Асар дунёга келар экан, ҳар бир ижодкор уни кенг жамоатчилик катта қизиқиш, эътибор ила қарши олишини, энг муҳими,оммага кириб боришини, танқидчиликнинг илиқ фикрларини эшитишни орзу қилади.Бироқ ҳар доим ҳам бу ният амалга ошавермайди.

Шундай паллада ижодкор ҳам тўғри хулоса чиқариб, олға интилиши лозим. Мана шу жойда мавзунинг аҳамияти жуда катта. Асарга берилган тақризлар унинг ҳар қандай жараёнда иштироки қай даражада эканлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам ҳаётда тақризларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Битирув малакавий ишида ана шунга эътибор қаратилди. Тақризларнинг матбуотда тутган ўрнига доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Битирув малакавий ишига доир изланишлар олиб борилганда бу борадаги муаммоларга ҳам тўхталдик.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, бугунга қадар бу мавзуга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ биз танлаган мавзу юзасидан даврий саналарга алоҳида эътибор қаратдик, яъни биз Ўзбекистон матбуотининг истиқлолга эришгандан кейинги йилларини

ўргандик. Бу эса тақризларнинг мустақиллик матбуотида тутган ўрнини тушунишга бироз бўлсада ёрдам беради.

Битирув малакавий ишининг илмий асосларини пухта яратиш мақсадида тақриз усталарининг ушбу мавзуга оид фикр-мулоҳазалари ҳам ўрганилди. Тақриз жанрининг ўзига хосликлари, замонавий танқидчилик, матбуотда эълон қилинаётган тақризларга муносабат ҳам ўрганилди. Бу, ўз навбатида, битирув малакавий ишининг илмийлигини таъминлаб беради. Чунки ҳар қандай тадқиқот солиштириш, таққослаш ва ўқиб-ўрганиш натижасида пишиқ асарга айланади. Тақриз жанрининг бошқа жанрлардан фарқли жиҳатларини янада яхшироқ кўриш учун матбуотда тақриз усталарининг тақризларини, таржималари ва насрий асарларга ёзилган адабий тақризлар ўрганилди.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ҳамда “Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” журналлари мисолида.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу мавзу тақозоси, публицистикада тақриз жанрининг тутган ўрни, унинг вазифалари, ютуқ ва камчиликларини ўрганишдир. Битирув малакавий ишининг мавзуси публицистика билан бевосита боғлиқлиги учун ҳам унинг мақсад ва вазифалари айтилиши доирада. Битирув малакавий ишини бошлашдан аввал қуйидагилар мақсад қилиб олинди:

1. Тақриз жанрининг тарихи ўзига хосликларини ўрганиш;
2. Тақризларнинг бошқа жанрлардан фарқли томонларини ажратиш олиш;
3. Тақризларда мавзулар кўлами ва муаллиф маҳоратини ўрганиш;
4. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ва “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи” журналларида тақриз жанри фаолиятини ўрганиш;
5. Истиқлол даври матбуотида тақризларнинг ўрнини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Битирув малакавий ишининг мавзусидан келиб чиқиб, тақризларнинг босма матбуотда босқичма – босқич ривожланиш

жараёндаги иштироки юзасидан тегишли хулосалар чиқаришва кейинги йилларда тадқидчиликда орттирилган тажрибаларни кузатишдан иборат.

Эстетика нуқтаи назаридан қараганда ижод ва танқидий фаолиятнинг мақсади муштарак: газетхонга мукаммал асарни тушунтириб бериш, унинг маъносини ёритиш, ҳақиқий баҳосини аниқлаш. Лекин ижоднинг ўз қонун-қоидалари бўлганидай, танқидий тафаккурнинг ҳам ўз йўриқ-йўсини мавжуд. Битирув малакавий ишининг асосий вазифаси ана шуларни тадқиқ этиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти. Битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти айнан шу адабиёт намуналари ҳақидаги тақризлардир. У. Норматов, М. Қўшжонов, О. Сафаров, И. Бекжон, Ҳ. Худойбердиева, Ҳ. Нусратова, Г. Сатторова, М. Аъзам, А. Нурмонов, А. Абдуллаев, Ҳ.Каримов сингариларнинг тақризлари ўрганилди. Танқидчиликда энг асосий жанрларидан бири бўлган тақризларнинг ёзилиш усуллари, танқидчининг ижодий ёндашуви ва маҳорат масалалари ҳақида сўз боради.

Маълумки, ҳар қандай мавзунини ёритишда аниқ, конкрет нашрлар мисолида ёндашилса, мавзунинг муфассал ёритилишига эришилади. Шу боисдан ҳам битирув малакавий ишини ёритишда республикаимиздаги етакчи матбуот нашрлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Ёшлик” ва “Шарқ юлдузи” журналларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотимизнинг илмий аҳамияти шундаки, унда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” журналлари мисолида чоп этилган тақризларнинг муаммо ва услублари чуқур ўрганилган. Тақризларнинг ўзига хос хусусиятлари, фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилиниб, унинг мавзуси, муаммолари, муаллиф, ижодий ҳамкорлиги баҳоли қудрат таҳлил қилинган. Энг асосийси, нечи йиллардан буён тақризларнинг камчиликлари қайси жиҳатларда кўпроқ бартараф этилганлигига аҳамият берилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, 4та параграфдан иборат 2та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, сўзлар луғатидан ташкил топган.

I БОБ. ТАҚРИЗ ЖАНРИ ТАРАҚҚЁТИДА ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ МАВЗУДАГИ ТАҚРИЗЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Ўзбек танқидчилигида тақриз жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиш тарихи

Ўзбек матбуотида тақризларнинг ўрни ва аҳамияти ғоят салмоқли. Ўзбек ва жаҳон адабиётида яратилган бадиий асарларга таҳлилий муносабатни ўзида акс эттирган тақризларнинг эса ҳисоби йўқ. Аммо, ҳар бир тақризда мунаққид имзоси мужассам. Шундай экан, тақризларда минглаб усуллар, ёндашувлар борлигини кўриш мумкин.

Тақриз фан, адабиёт-санъатга доир асарларни таҳлил этувчи мақола ва бошқа таҳлилий жанрдан фарқли равишда фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларга муносабати, ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи воситадир. Тақриз инсоннинг ташқи оламдаги билинган, онгда акс этган воқеа ва ҳодисаларни қайтадан яна чуқурроқ билиш, таҳлил ва тадқиқ этиш, баҳолаш борасидаги муҳим амалидир. Яъни, бу жанр фан, адабиёт, санъатнинг ҳам тараққиётига хизмат қилади. Инсон онгининг уфқларини янада кенгайтиради. Бошқа таҳлилий жанрлар сингари тақриз ҳам, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзида акс эттириши мумкин. Аммо у ҳаёт воқеаларини тўппа-тўғри эмас, балки фан, адабиёт ва санъатга ўз аксини топган, яъни ўрганилган, баҳоланган шаклдаги ҳолатини ўрганади, ёритади. Шунини айтиш керакки тақриз матбуотдан ташқари ҳолатларда ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳар бир илмий асар, ихтиро ва кашфиётлар, бадиий асарлар, тасвирий санъат мусиқа ва сахна асарлари, кинофилмлар, ҳайкалтарошлик асарлари ва бошқалар нашр этилиши, эълон қилиниши, кўргазмага қўйилишидан олдин шу соҳа кишилари, олимлар, адабиётшунослар, санъатшунослар томонидан баҳоланади таҳлил этилади. Бундай баҳолаш оғзаки муҳокама ёки ёзма тақриз

шаклида бўлиши мумкин. Бу хилдаги тақризлар одатда ички тақризлар дейилади. Шу билан биргаликда фан, адабиёт, санъат асарлари ошкора равишда –матбуот орқали баҳоланиши, муҳокама этилиши лозим. Ана шундай тақризлар таҳлилий-публицистика жанрига оид асарлар саналади. Бу хилдаги ижод турини танқид ва библиографияга оид асарлар ҳам деб юритилади.

“Танқид” арабча сўз бўлиб, иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот, назария ва шу кабиларнинг салбий ва ижобий томонларини, ютуқ ва камчиликларини муайян нуктаи назардан баҳолаш, таҳлил этиш деган маънони билдиради. “Библиография” эса латинча библион-китоб, “грапно-ёзмоқ” деган сўзлардан олинган бўлиб ёзма асарлар, китобларни таҳлил этиш, улар ҳақида фикр билдириш деган маънодадир. Кўриниб турибдики, бу тушунча ҳам тақриз, рецензия атамаларининг маъноларига яқиндир.

Таҳлилий публицистиканинг етакчи жанрларидан бири саналган тақриз танқидчи қалби, завқ-шавқи, гўзаллик туйғуси, асардаги энг нозик нуқталарни қай даражада ҳис қила олишини кўрсатади. “Шеърятда лирика, насрда ҳикоя қанчалик муҳим, аҳамиятли саналса, танқидчиликда тақриз таянч жанрлардандир”.¹ Тақриз ҳақида кўплаб адабиётшунослар ўз фикрларини айтиб ўтишган. Адабиётларда ҳам турли хил фикрлар учрайди: “Тақриз қурилишида биринчи ўринда бадий асар, унга мунаққиднинг баҳоси ва шу орқали ёзувчи ва китобхон муносабати туради”.² “Тақриз” сўзи арабча бўлиб, “ўлчамоқ, салмоқлаб кўрмоқ, баҳоламоқ” деган маъноларни билдиради. Мазкур жанр “рецензия” деб ҳам юритилади. Бу латинча “recensio” – “баҳо” деган сўздан олинган. Тақриз фан, адабиёт – санъатга доир асарларни таҳлил этувчи, баҳо берувчи публицистик жанрдир. Тақриз, рецензия ҳаётни бевосита таъсир этувчи мақола ва бошқа таҳлилий жанрлардан фарқли равишда адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда вужудга келган янги асарлар, илмий – ижодий маҳсулотларни таҳлил этиш, баҳолашга қаратилади. Бу - публицистиканинг, матбуотнинг ижтимоий онг кўринишлари, ҳаётни акс эттириш турлари бўлган

¹Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Янги аср авлоди. 17-б.

²Аҳмедова Ш. Матбуот ва адабий танқид. – Тошкент: ФАН. 2005. 25-б.

фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳалари муносабати, ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи воситадир. Такриз ҳақида қисқача қилиб публицистиканинг энг фаол жанрларидан бири бўлиб, одатда, янги пайдо бўлган асар ҳақидаги илк танқидий мулоҳазаларни ўз ичига олади, деб унга умумий таъриф беришимиз мумкин.

Такризларнинг тили ва услуби ҳам уларнинг турига боғлиқ. Илмий такризларда илмий услуб, адабий-бадний такризларда адабий-бадний услуб бўлиши талаб этилади. Айрим ўринларда образ ва образлиликдан ҳам фойдаланиш мумкин. Инсон оламининг турли қирраларини акс эттирувчи такриз таҳлилий публицистиканинг муҳим жанрларидан бири – ҳозирги замон ўзбек матбуотида кенг ўрин олиб келмоқда.

Такриз инсон онгий оламининг барча соҳаларини қамраб олар экан, ўз навбатида турли хилларга бўлиниб кетади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Илмий такризлар
2. Адабий-бадний такризлар
3. Театр такризи
4. Кино такризи
5. Мусиқа асарлари такризи
6. Тасвирий санъатга оид такризлар
7. Радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувлар такризи

Илмий такризлар юқорида айтилганидек, илм-фаннинг у ёки бу соҳасига доир янги чиққан китоблар, асарларга берилади. Бу такриз, у хоҳ аниқ фанлар – математика, кимё, физика, география, геология ва бошқа соҳаларга ёки ижтимоий фанлар бўлмиш, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, тилшунослик ва бошқа соҳаларга бағишланган бўлмасин, аввало мазкур соҳада яратилган асарларни мазмуни, унинг фанга қўшган салмоғи, ютуқ ва камчиликларини очиқ бериши лозим. Такриз муаллифи бу асарлар ҳақида ўз қарашларини хулосаларини баён этади. Илмий такризлар мазкур илм-фан соҳаларидаги янгиликларни оммага етказишда муҳим омил ҳисобланади.

Илмий тақризлар асосан шу фан соҳаси билан яқиндан таниш бўлган мутахассислар, олимлар томонидан ёзилади ва одатда фаннинг шу соҳасига оид илмий нашрларда, илмий-оммабоп журналларда, шунингдек, фаннинг шу соҳасига тегишли бўлган тармоқ газеталарида босилади. Марказий ва бошқа умумсиёсий газеталар, ижтимоий-сиёсий журналларда эса кўпчилик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган алоҳида илмий асарларгагина тақриз берилади. Умуман олганда, илмий тақризлар ўқувчиларни фан янгиликлари билан таништириш, илмнинг мазкур соҳасидаги ютуқ ва камчиликларини аниқлаб, унинг ривожига ҳисса қўшиш учун хизмат қилади.

Адабий-бадий тақризлар мазкур жанрнинг энг кўп қўлланиладиган тури ҳисобланади. Адабий-бадий тақризнинг вазифаси тақриз қилинаётган бадий асарнинг мазмунини чуқур очиб бериш, унда олдинга сурилаётган асосий ғояни ўқувчига равшан кўрсатиш, асар муаллифи эришган маҳорат ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини баён этишдан иборатдир. Адабий танқид адабиётшунослик фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бадий ижоднинг шу кундаги, айни замондаги аҳволи, эришилган ютуқ ва камчиликларни очиб ташлаш орқали бадий адабиёт тараққиётига хизмат қилишдан иборатдир. Адабий-бадий тақризларда шу кун, айни замонда юзага келган янги бадий асарлар таҳлил этилади, уларга баҳо берилади, камчиликлари танқид остига олинади. Нозирги ўзбек адабий танқидчилигида атоқли адабиётшунос олимлар Озод Шарофитдинов, М. Қўшжонов, Наим Каримов ва бошқаларнинг тақризлари салмоқли ўрин эгаллайди.

Адабий-бадий тақризлар асосан адабий-бадий журналлар ҳамда адабиётга ихтисослашган газеталарда кенг ўрин олади. Умумсиёсий газеталарда фақат жамият учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган йирик асарларга ёзилган тақризлар берилади.

Тақризларнинг тили ва услуби ҳам уларнинг турига боғлиқ. Илмий тақризларда илмий услуб, адабий-бадий тақризларда адабий-бадий услуб бўлиши талаб этилади. Айрим ўринларда образ ва образлиликдан ҳам

фойдаланиш мумкин. Инсон оламининг турли қирраларини акс эттирувчи таҳлилий публицистиканинг муҳим жанрларидан бири – ҳозирги замон ўзбек матбуотида кенг ўрин олиб келмоқда.

Театр тақризларида театр танқидчилиги ўз ифодасини топади. Уларда томошабинларга ҳавола этилаётган янги сахна асарлари таҳлил этилади. Бу тақризларда сахнага қўйилган спектаклларнинг ғоявий мазмуни, акторларнинг ижрочилик санъати, режиссура маҳорати ва бошқа масалалари таҳлил этилади, ютуқ ва камчиликлари кўрсатилиб, ижодий хулосалар чиқарилади. Театр тақризи ўқувчи ва томошабинларга мазкур асарни ҳар томонлама таҳлил этиш билан биргаликда санъаткорларга уни янада такомиллаштириш борасида кўмак, маслаҳатлар ҳам бериши лозим.

Унда янги яратилган кинофильмларнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари очиб берилади. Худди театр тақризи сингари. Кино тақриз ҳам кино санъати сирларидан хабардор бўлган мутахассислар, киношунослар томонидан ёзилади. Кинотақриз кино санъати соҳаси учун махсус чиқариладиган журналлар, адабий-бадий нашрларда доимий ўрин олади.

Муסיқа санъати тасвирий санъатга бағишланган тақризларга ҳам юқоридаги талабларни қўйиш мумкин. Бу тақризларда ҳам мазкур соҳаларга доир янги асарларнинг ўзига хос томонлари, эришилган ютуқ ва камчиликлар, асар муаллифининг маҳорати очиб берилиши ва ўқувчига етказилиши лозим. Бундай тақризлар ҳам асосан махсус нашрларда, алоҳида ҳолатларда умумсиёсий газета ва журналларда босилиб чиқади. Уларнинг муаллифлари муסיқашунос ва тасвирий санъатга доир мутахассислар бўлишади.

Тақриз қайси соҳада, қайси мавзуда бўлмасин бирон-бир асарни баҳолашда холислик, илмий ёндашув бу жанр учун муҳим мезон ҳисобланади. Чунки ҳар бир илмий, адабий, санъат асарига шу пайтгача мавжуд бўлиб жамланган, замон синовидан ўтган ўлчам ва қарашларга амал қилингандagina тўғри баҳо бериш мумкин. Аксинча, асар бирор-бир тор синфий, сиёсий, ёки шахсий манфаатлар нуқтаи назаридан таҳлил этилиб баҳоланганда нотўғри, бирёқлама

хулосалар келиб чиқади, ўқувчини чалғитади, муаллифга жиддий маънавий зиён етказади. Масалан, совет тузуми даврида айрим илмий, адабий, ёки санъат асарларига ана шундай бирёклама, тор синфий сиёсий гуруҳбозлик нуқтаи назаридан баҳо беришлар кўп учрарди. Масалан, атоқли ўзбек адиби А.Қодирийнинг асарларига, Ойбекнинг “Алишер Навоий” романига берилган айрим ижтимоий-вулгар (кўпол) тақризлар бунинг яққол далилидир. Оммавий ахборот воситаларининг алоҳида тури бўлган радио ва телевидение орқали эшиттирилган ёки кўрсатилган айрим асарлар, радио-спектакль, телефильм, телекўрсатувларга ҳам тақриз ёзилиши мумкин. Бу тақризларда ҳам мазкур радио ёки телеасарнинг мазмуни, моҳияти, ютуқ ва камчиликлари очиб берилади, ўқувчига етказилади. Шунини айтиш керакки, тақриз жанри кўпроқ газета ва журналларда ўрин олади. Радио ва телевидениеда улар тақриз эмас – эшиттириш ёки кўрсатувнинг бир тури сифатида қўлланилади.

Тақризлар ички тузилиши жиҳатидан ахборий ёки таҳлилий бўлиши мумкин. Ахборий тақризларда янги илмий, адабий-бадий ёки санъат асари ҳақида кенгроқ хабар берилади, ўқувчига таништирилади. “Хуррият” газетасининг 2000 йил 44-сонида журналист Р.Раҳмоновнинг “Зарур, барчага керакли китоблар” сарлавҳали ахборий тақризи босилган. Унда филология ва фалсафа доктори М. ал-Бухорийнинг “Принципы международной журналистики и международной обмен информацией» ва «Международные информационные агентства и международная пресса в рамках обмена информацией» китобларининг нашр этилганлигини билдиради ва бу илмий маҳсулотларнинг журналистика фанининг ривожига учун зарур хизматни бажаришини таъкидлайди. Газетанинг шу йил 30-сонида “Воизга ёрдам” сарлавҳаси остида берилган ахборий тақризда ҳам Республика маънавият маркази томонидан илмий тарғибот олиб боровчиларга ёрдам берувчи бир туркум китоблар нашр этилганлиги билдирилади ва уларнинг мазмуни қисқача баён этилади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бериб борилаётган тақризлар орасида ҳам қисқа, ахборий тақризлар учраб туради. Газетанинг 2005

йил 12 август сонидан жой олган “Доимий ҳамроҳ” рукни остида берилган икки ахборий тақризда ёзувчи Н.Жалолиддиновнинг “Эркаги бор уй” ҳикоялар тўплами ва тадқиқотчи Н.Афоқованинг “Жадид шеърятти поэтикаси” китобларининг нашр этилганлиги маълум қилинади. Муаллиф Қ. Қаюмов бу китобларнинг мазмуни, тузилиши ва аҳамияти ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади.

Аксарият тақризлар таҳлилий бўлиб, улар ўз хусусиятлари билан мақолага яқин туради. Яъни, тақризда ҳам худди мақоладаги каби таҳлилий мушоҳада юритилади. Айрим фикрлар олдинга сурилади. Хулосалар чиқарилади. Илмий тақризларда илмий, адабий-бадий, санъат турлари бағишланган тақризларда эса ўша санъатга доир тушунчалар асосида фикр-мулоҳаза юритилади. Аммо барча тақризларга хос бўлган нарса унинг публицистик томонидир. Асарнинг ижтимоий аҳамияти тақризда асосий ўринни эгаллаши лозим. Айрим тақризларда мақоладан ташқари – очик хат, шарҳ каби жанрлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2004 йил 29 октябрь сонида адабиётшунос олим Б.Қосимовнинг “Чўлпон ҳақида роман” деб номланувчи тақризи эълон қилинган. Унда таниқли адабиётшунос Н.Каримовнинг “Чўлпон” деб номланувчи романи ҳақида фикрлар билдирилади. Тақриз таҳлилнинг чуқурлиги ва қамровнинг кенглиги билан ажралиб туради. Муаллиф асарга унинг ғоявий йўналиши, руҳи, ёзилиш маҳоратига умуман ижобий баҳо бергани ҳолда айрим муҳим фактлар ва воқеалар, уларнинг ҳаққонийлиги, романда қандай фойдаланилгани ҳақида ҳам ўз фикрларини билдиради. Мазкур тақризни илмий-адабий тақризнинг мукамал кўринишларидан бири дейиш мумкин. Газетанинг 2005 йил 12 август сонида “Китобингизни ўқидим” рукни остида М.Сафаровнинг “Шириндир Ватаннинг аччиқ тутуни” сарлавҳали тақризи жой олган. Унда ёзувчи Муҳаммад Алининг “Абадий соғинчлар” деб номланувчи роман-хроника жанрига оид асарининг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади. Профессор

Б.Акрамовнинг “Тарихий қиссалар ҳайрати” тақризи (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2004 йил, 16 сентябрь) ёзувчи Ғ.Каримнинг “Соҳибқирон ва аллома” деб номланувчи китобига бағишланган бўлиб, унда тарихий қиссалар яратишда ёзувчи маҳорати масалалари ҳақида сўз боради. Филология фанлари доктори Ҳ.Каримовнинг “Зиддиятлар талқини” деб номланган тақризи (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2004 йил, 13 август) эса ёзувчи А.Йўлдошевнинг “Тимсоҳнинг кўз ёшлари” деб номланувчи қиссалар тўплами ҳақида маълумот беради. Филология фанлари номзоди С.Умировнинг “Ўзбекистон овози” газетасининг 2005 йил 21 июнь сонида “Янги китоб” рукни остида “Менинг дорилфунуним” тақризи ёзувчи Ж.Абдуллахоновнинг “Ҳаёт абад васл айёмидир” асари ҳақида бўлиб, унда муаллифнинг ижодий йўли, радиожурналист сифатидаги фаолияти асарда қай даражада акс этганлиги тадқиқ қилинади.

Тақризларнинг бир тури – танқидий тарзда ёзилади ва уларда тақриз қилинаётган асарда йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинади. “Ўзбекистон овози” газетасининг 2005 йил 24 март сонида адабий танқидчи О.Абдуллаевнинг “Дўппи кийган чумчуқ, ҳижолатда қолган ит, ёки таржимон кашфиёти” сарлавҳали тақризи жой олган. Унда муаллиф Ш.Кўнчининг Тургеневнинг сочма асарларини таржима қилишга муваффақиятсиз уринганлигини, унинг газетада босилган таржималари, нўноқлиги, бадий тутруқсизлигини аниқ мисоллар билан очиб ташлайди. “Бадий таржима шунчалик кўнгилхушлик эрмаги эмас, у жуда юксак, масъулияти ниҳоятда улкан санъат, - деб таъкидлайди танқидчи. – Уни ана шу баланд ижодий чўққилардан тушириб, кадрини пасайтириб қўйишдан эҳтиёт бўлайлик”. “Хуррият” газетасининг 2000 йил 20-сонида К.Йўлдошевнинг “Ғирром” сарлавҳали танқидий тақризи босилган. Унда Ш.Хуррамов, Х.Зикировлар ўзларининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш фанидан маърузалар” деб номланган ва Термизда нашр этилган китобларида Т.Насриддинов ва И.Асқаровларнинг Тошкентда бундан олдин нашр этилган “Химия ўқитишда меҳнат муҳофазаси

ва хавфсизлик техникаси” деган китобидан бутун-бутун парчаларни кўчириб олганликлари айтилади ва бундай плагиат – адабий ўғрилиқ ҳолати танқид остига олинади.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида адабий асарлар билан бир каторда театр ва кино тақризлари тез-тез чоп этилиб туради. С.Жўрабекованинг газетанинг 2005 йил 9 июль сонида босилган “Сўғд элининг қоплони” тақризи Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрининг спектакли ҳақида бўлса, Т.Бобошеванинг “Фаришта аёл” тақризи (бу материал ҳам шу сонда босилган) Муқимий номидаги мусикали драма театри томошабинларига тақдим этилган мусикали драма ҳақида маълумот беради, таҳлил этади, баҳолайди.

Тақриз асарнинг моҳиятини очишга бўлган ҳаракат натижаси. Тақризда фикрлар, далиллар, аниқ фактларга таянилиб, мулоҳаза юритилади. Ҳар бир билдирилган фикр, таҳлил албатта мисоллар ёрдамида исботланиши керак.

Танқидчи асарни, албатта, ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб таҳлил қилади. Бироқ у хулоса чиқариш баробарида ўз фикрини исботлашга интилади. Янги асарёзилганда, унга танқидчиликнинг берган баҳоси шу асарнинг китобхон юрагига кириб боришида кўприк вазифасини ўтайди. Зеро, газетхон ёки журналхон тақриزلар орқали бадиий асарнинг моҳиятини янада теранроқ англайди, таъбир жоиз бўлса, асарга янада яқинлашади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан эса тақриزلар ёзувчини янада кўпроқ меҳнат қилишга, ўқиб-изланишга ундайди.

Адабиёт ва санъат ривожининг тақриз ривожи билан чамбарчас боғлиқлиги фанда ҳамма томонидан тан олинган фактдир. Адабиёт ҳам, тақриз ҳам ҳаётдаги гўзалликни ифода этадилар. Ҳукм чиқаришдан иборат бўлган танқидий тақризнинг мазмуни ҳукм қилинувчидан иборат бўлган адабиёт мазмунининг худди ўзидир, бутун фарқ шаклдадир.

Тақриз тарихи фақат ўтмиш адабиёти тарихининг тўла ва ҳаққоний манзарасини яратиш учунгина ўрганилмайди, “ҳаракатдаги эстетика” бўлган тақриз тарихи эстетика хазинасини бойитиш учун ҳам катта материал бериши

мумкин ва лозим. Маълумки, предметнинг назариясисиз унинг тарихи бўлмагани каби, предметнинг тарихисиз ҳам унинг назарияси бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай тақризнинг биринчи вазифаси, албатта, тақризнинг ҳар бир конкрет тарихий шароитда ўйнаган ижтимоий ролини, унинг изланишлари ва топилмаларини баҳолаб беришдир. Шу билан бирга, тақриз тарихини яратувчилар тақризга энди худди ўтмиш адабиётига назар ташлагандек, ретроспектив равишда назар ташлайдилар, яъни тақриз ҳодисалари уларнинг назаридан энди ўтмишнинг ҳодисаларига, тарихга мансуб фактлар тарзида ўтади.

Тарихий тараққиёт, журналистиканинг ривожланиши унинг жанрларини ҳам муттасил шаклланиб боришига таъсир этмай қолмайди. Бу таъсир бевосита тақриз жанрига ҳам тааллуқлидир. Илгари тақриз фақат ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бадиий адабиётларга ёзилган бўлса, кейинчалик санъатнинг спектакль, концерт, кино, рақс, тасвирий санъат, рассомчилик каби турларига ҳам бериладиган бўлди, эндиликда телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларга ҳам, клиплар, реклама роликларига ҳам, ҳатто моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларига ҳам тақриз, баҳо берилади. Кўп газеталарда “Буюмларга тақриз” деган рукнда тақризлар берилади.

Тақризнинг бошқа газета жанрлардан фарқли жиҳати шундаки, унинг предмети бошқа жанрларга ўхшаб воқеликнинг ўзи эмас, балки асос солиб бўлинган воқеликдир, яъни информоцион ҳодиса— китоб, рисола, спектакль, кинофильм, телекўрсатув ва бошқалардир.

Қоидаги кўра тақриз ёзувчи журналист муайян бир асарни олиб кўриб чиқади ва ўзининг олдида у ҳақда баҳо беришдан ортиқ, муҳим вазифани қўймайди. Агар журналист ўзининг олдида ўша асар устида чуқур таҳлил олиб бориш вазифасини қўйса ва шу орқали жамиятга дахлдор муаммони кўтариб чиқса, унинг асари тақриз бўлмай, балки адабий-танқидий мақола бўлиб қолади. Шу боис журналист тақриз ёзадиган манбанинг бирламчи аҳамияти муҳимдир. У бирор бир китоб, бадиий асар, спектакль, бадиий фильмни олиши

мумкин. Такриз ёзиш таҳлил объектнинг тўғри танлашидан бошланади. Кейин уни таҳлил қилиш учун зарур манбалар йиғилади. Ана шу тайёргарлик жараёни такризни муваффақиятли чиқишида муҳим роль ўйнайди. Журналист такриз ёзганда иккита мақсадни олдиға қўяди. Биринчиси- ахборотни билиш (идрок этиш), яъни асар ва унинг муаллифига тегишли бўлган турли хил маълумотларни тўплаши, иккинчиси тадқиқот орқали, асарнинг ҳақиқий қимматини таҳлил қилиб бериш керак.

Публицистиканинг бошқа жанрларидан фарқ қилган ҳолда такриз ҳужжатлиликка яқиндир. Такризға адабий асарни санъатнинг тарғибот воситаси сифатида қараб такризчи ўзининг мулоҳазаларида ҳаётий манбалар билан асарда тасвирланган воқеаларни солиштиради, аслидаги воқелик билан фактларни, ҳужжатларни бир-бириға қанчалик мос келишини ўрганади. Албатта, такризнинг асосини ҳам худди корреспонденцияда, очерк, фелъетон, репортажда сингари, факт ва маълумотлар, зарур манбалар, ҳужжатлар ташкил қилади. Фақат такризда бу фактлар ҳаётдан олинмайди, балки олимнинг ёки рассом, актёрлар аллақачон ўз илмий-бадий асарида, спектакль, чизган суратида қўллаб бўлган фактларға мурожаат қилади.

Такризнинг асосини таҳлил ташкил этади. У ҳар томонлама ва холис бўлиш зарур. Такриз муаллифи таҳлил қилаётган асарда унинг фикрларини ривожлантириш хизмат қиладиган марказдаги янгиликни топа олишни билиш керак. Журналист таҳлил жараёнида қандай йўлдан боришидан қатъий назар унинг чиқиши асосини муайян фикрлар, ғоялар ташкил қилиши керак. Шу боис, такризнинг машҳурлиги ҳам муаллифининг шуҳрати эканлиги исботланган. Театр такризларида театр танқидчилиги ўз ифодасини топади. Уларда томошабинларға ҳавола этилаётган янги сахна асарлари таҳлил этилади. Бу такризларда сахнада қўйилган спектаклнинг ғоявий мазмуни, актёрларнинг ижрочилик санъати, режиссура маҳорати ва бошқа масалалар таҳлил этилади, ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб, ижодий хулосалар чиқарилади. Театр такризи ўқувчи ва томошабинларға мазкур асарни ҳар томонлама таҳлил этиш билан

биргаликда санъаткорларга уни янада такомиллаштириш борасида кўмак, маслаҳатлар ҳам берилиши лозим. Театр тақризлари асосан шу соҳа мутахассислари, олимлар, адабий танқидчилар, айрим ҳолларда журналистлар томонидан ҳам ёзилади. Театр тақризи ёзиш учун театр санъати соҳаси бўйича чуқур билимга, малакага эга бўлиш керак.

Тақриз турли хил ўқувчилар, тингловчилар, томошабинларга мос келадиган аниқ шакл ва мазмунга эга бўлиши керак. Бунинг учун тақриз муаллифи объекти (китоб, кинофильм, спектакль, кўрсатув, эшиттириш)ни атрофлича ўрганиши керак бўлади. Тақриз муаллифи ўқувчига янги чиққан китоб, асар ҳақида батафсил маълумот бериши, уни ўқувчига ишончли қабул қилдира олиши, асар муаллифи ва ижодий жамоани ўз ишларига объектив баҳо берганда асарнинг камчиликларини ва уни бартараф этиш йўллари кўрсатган ҳолда қабул қилишга ўргатиши талаб этилади. Бир сўз билан айтганда тақризчи ёзувчи билан ўқувчининг, олим билан ҳамфикрининг, ҳаммаслагининг орасида воситачидир.

Ўзбек матбуотида чоп этилаётган тақризларнинг у ёки бу жиҳатларга қараб муайян гуруҳларга туркумлаш мумкин. Уларни қуйдагича гуруҳлаш мумкин.

1. Ёзилишига қараб тақризни иккига катта ва кичик тақризга бўлинади. Катта, кенг кўламдаги тақриз газета ёки журнал сонининг “мих” материали бўлиши мумкин. Бундай тақризлар кўпинча махсус нашрларда учрайди. Унинг катталиги муаллифга тадқиқ қилинаётган асарнинг чуқур ва ҳар томонлама қамраб олишга имкон беради. Бундай тақризлар одатда ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий қарашлари билан жамоатчиликнинг эътиборига тушган танқид усталари томонидан ёзилади.

Кичик тақризлар эса ҳозирги пайтда кенг кўламдаги, ёйиқ тақризларга нисбатан кўпроқ учрайди. Унинг ҳажми бир, бир ярим қоғоздан ошмаслиги мумкин. Бу жиҳатдан у инфор­мацион жанрларга ўхшаб кетади ва асар ҳақида қисқача ахборотлар бериш билан чегараланади.

2. Тадқиқ қилинаётган асарларнинг сонига қараб уларни монотакриз ва политақризга бўлиш мумкин.

Монотакризда муаллиф битта асарни таҳлил қилади. Албатта, уни бошқа шунга ўхшаш асар билан қиёслаши мумкин. Лекин бу қиёслаш тақризда катта жойини эгалламайди. Монотакризда муаллиф таҳлил қилаётган асарни аудиторияга маълум бўлган асар билан қиёслайди.

Политақризда эса икки ёки ундан ортиқ асарлар таҳлил қилинади. Одатда улар бир-бири билан таққосланади ва у тақризнинг асосий ҳажмини эгаллайди. Бундай тақриزلар янги яратилган ҳамда аудиторияга номаълум бўлган ёки маълум кишиларгина хабардор бўлган асарлар ҳақида қиёсий таҳлил олиб боради.

Мавзуларга қараб ҳам тақриزلар турлича бўлади. Тақризнинг бир неча турлари бор. Булар адабий-бадий тақриз, театр тақризи, кино тақриزلар ва бошқалар. Сўнгги пайтларда мультфильмлар, ҳужжатли фильмлар, клиплар, телекўрсатувлар, реклама роликлари ҳақида ҳам тақриزلар тез-тез учрапти. Бунга сабаб, ҳужжатли ва анимал фильмларнинг, кўрсатувларнинг, драматик можароларнинг, ҳаётий воқеаларнинг, реклама маҳсулотларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши оқибатидир. Фақат бугина эмас, тақризнинг жанрлар орасида ҳам турлари мавжуд. “Маълумки, тақризчилик ўзбек адабиёти тарихида то XIX асргача давом этди, аммо унинг мазмунида жиддий ўзгаришлар юзага келмади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияга қўшилишнинг прогрессив оқибати ўлароқ, Туркистонда маҳаллий матбуот пайдо бўлди. Бу матбуотда адабий асарлар ҳақида баъзи мақолаларнинг босилиши натижасида тақриз публицистика билан боғланди. Публицистик руҳда ёзилган, адабиёт ва санъат масаларига бағишланган мақолалар айниқса Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида (1914 – 1917 йилларда) аввалгига нисбатан кўпроқ пайдо бўлди. Аммо улар, биринчидан, жуда оз сонлидир ва иккинчидан, ўз олдиларига асосан маърифий вазифаларни қўйдилар (масалан, адабиётнинг нима эканлигини тушунтириш каби) ёки ўзбек адабиётида илк маротаба пайдо

бўлган драматик асар – “Падаркуш” (Бехбудий асари)нинг турли шаҳарларда сахнага қўйилиши ҳақидаги оддий ахборотдан иборатдир. Улар том маънода адабий-танқидий мақолалар деб аталиши мумкин эмас, чунки уларда адабий асарлар таҳлил этилмайди, адабий-тарихий жараёнга алоқадор бирор муҳим масала ўртага қўйилмайди”.³

Ўзбекистонда тақризнинг майдонга келиши ва шаклланиши йўллари кезатар эканмиз, тақриз ўзининг илк қадамларини асосан танқид билан бошлаганига ишонч ҳосил қиламиз. Яна шу факт эътиборга лойиқки, инқилобдан кейинги дастлабки даврдаги йиллардаги адабий тақриزلар кўпроқ спектаклларга ёзилган ҳамда вақтли матбуот саҳифаларида босилиб турган. Эҳтимол, театр тақриزلаридан орттирилган тажриба натижаси бўлса керак, секин-аста алоҳида бадиий асарлар, тўпламларга ёзилган тақриزلар ҳам кўрина бошлайди. “За-най” имзоли авторнинг “Халил фаранг” (Қизил Байроқ. 1921. 3 февраль), “Чўл боласи” таҳаллуси муаллифнинг “Ер юлдузлари” (Зарафшон. 1926. 13 август), С. Айнийнинг повестлари, А. Қодирийнинг романларига ёзилган ва турли адабиётчилар қаламига мансуб бошқа тақриزلар фикримизнинг далилидир.

XX асрнинг биринчи ярмига эътибор қаратар эканмиз, бу давр ўзбек поэмалари ҳақида босилган тақриزلар тўғрисида гап борганда М. Бобоев, И. Расулов, Т. Ғозибоев, Ш. Шоабдурахмонов, С. Анорбоев, Ҳ. Муҳаммадхонов ва У. Бурҳоннинг тақриз ва мақолаларини эслаб ўтишга тўғри келади.

Янги шеърӣ тўплам ёхуд поэмаларга битта тақриз бериш билан чекланиб қолинмаган. Қатор асарларга журнал ва газеталарда бир неча тақриз ва мақолалар бериб борилган. Бир асар ҳақида ҳам вақтли матбуотда хилма-хил тақриزلар босилиб чиққан. Баъзан тақризчилар бир-бирлари билан мунозара қилишга интилдилар. Масалан, С. Анорбоев “Қадрдон дўстлар” поэмасини батафсил таҳлил қилар экан, А. Олимжоннинг бу асар ҳақида ёзган тақризига (Қизил Ўзбекистон. 1948. 30 октябрь) муносабат билдиради, баъзи фикрларига

³Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. I том. – Тошкент: ФАН. 1987. 28-б.

кўшилади, айримларини рад қилади. А. Олимжон поэмадан бир парча келтириб, унда “шеърий шавқ, бадият йўқ”, улар “ибтидоий форма”, “оддий насрий иборалардир” дейди. С. Анорбоев тақризчининг бундай фикрларига кўшилмайди. Учинчи тақризчи С. И. Лиходзиевский эса поэмада шоир ғоявий ниятини шундай талқин қилади: “Рамз Бобожоннинг... қаҳрамони А. Твардовскийнинг машҳур поэмаси қаҳрамони Василий Тёркиннинг ҳамполки ва яқин дўсти бўлган ўзбек жангчиси Аҳмаддир. Шоир ўз зиммасига анча мураккаб вазифани – Тёркиннинг қандайдир даражадаги адекват образини, унинг ўзбекча вариантыни яратишни олган. А. Твардовский билан мусобақалашигга Рамз Бобожоннинг курби етмади. “Қадрдон дўстлар” қаҳрамонининг машҳур Тёркинга олиб бориб боғлаганини ғирт механик ва шартлидир (“Звезда Востока”. 1954. № 8. С. 97-98).

Бу даврда қатор шеърий тўпламлар тўғрисида вақтли матбуотда савияси хилма-хил, бир-бирига зид келадиган фикрлар баён қилинган жуда кўп тақризлар босилиб чиқди. Биргина “Шарқ юлдузи” журналининг ўзида Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Зулфия, Туроб Тўла, Саида Зуннунова, Мамарасул Бобоев, Султон Акбарий, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборов, Шухрат, Назарматларнинг поэма ва тўпламларига қатор тақризлар эълон қилинди.

Бу тақризларда адабий танқидчилик ўзбек поеззиясида замонавий ҳаёт воқеаларини акс эттириш кучайиб ва чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатишга алоҳида эътибор берди. Бу хислат ўша даврда яратилган тақризларнинг бош фазилатидир. Бироқ тақризларда замонавийликни баъзан бир томонлама, юзаки талқин этишлар ҳам кўзга ташланади. Айрим пайтларда поэтик асарларда эришилган ютуқлар умумий тарзда, кўпроқ ғоявий-тематик планда кўрсатилди; социалистик реализм методи эса аввалдан тайёр бўлган муайян қонун-қоидаларнинг оддий йиғиндиси сифатида талқин қилинган. Натижада фикрий теранликдан, жўшқин ва жонли ҳиссиётдан маҳрум бўлган риторик, декларатив, баландпарвоз ва мадҳиябозликдан иборат асарларни асоссиз мақташ ҳоллари бўлган.

Биз бу бўлимда таҳлилдан кўра адабий танқидчилик тарихи ва тақриз жанри наъмуналарига эътиборни қаратдик.

1.2. Сўнгги йилларда ўзбек матбуотидаги ижтимоий-сиёсий мавзудаги тақризларнинг ўзига ҳосликлари (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” мисолида)

Ўзбекистон матбуотида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг алоҳида ўрни бор. Ушбу ҳафталик 1956 йилнинг 4 январидан бури адабиёт ва санъат ихлосмандларининг хизматида. Ушбу нашр замонавий адабий жараёнлар ҳақида биринчилардан бўлиб ахборот тарқатадиган, миллий адабиётимиз ва санъатимиз равнақиға яхшигина улуш қўшиб келаётган нуфузли газета саналади.

Газета олти саҳифадан иборат бўлиб, учинчи саҳифадан “Танқид ва адабиётшунослик” рукни остида адабий-таҳлилий мақолалар, тақризлар мунтазам бериб борилади. Табиийки, гезетхонлар ушбу саҳифада машҳур ёзувчи, шоирлардан тортиб, эндигона ижод дунёсига ийманибгина кириб келаётган ёш қаламкашлар томонидан яратилган бадиий асарлар ҳақида билиб олади.

Бундан ташқари, ўзбек мумтоз адабиёти вакиллариининг бой адабий меросига доир илмий тадқиқотлардан ҳам хабардор бўлади.

Қуйида газета саҳифаларида эълон қилинган адабий тақризлардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Умарали Норматов – машҳур адабиётшунос олимларимиздан бири. Унинг таҳлилий руҳда ёзилган ўнлаб мақолалари, илмий рисоалари ўзбек танқидчилигининг яхши намуналари ҳисобланади. Мунаққиднинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳаёти ва ижодига бағишланган “Уфқларнинг чин ошиғи” асари ана шундай асарлардан бири. Бир умр адабиёт дунёсида изланишлар олиб борган машҳур ёзувчиларнинг нодир асарларига адабий шарҳлар, тақризлар ёзган Умарали Норматовнинг “Уфқларнинг чин ошиғи” деб

номланган ушбу асари худди бадий асар каби ўқилади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган “Таскин” номли тақризда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шундай ёзади: “Рисолада адибнинг илк ижодий кадамларидан тортиб, “Уфқ” ва “Келинлар кўзғолони”гача, митти ҳажвий ҳикояларидан бошлаб, истиқлол йилларида яратилган ва мустабид тузум қиёфасини бутун даҳшати билан акс эттирган “Қамоқ” ҳикояларигача – барчаси батафсил ёритилган”.⁴ Ушбу тақризда мунаққиднинг рисолада ярқ этиб кўзга ташланиб турган ҳолатидан тортиб, кўз илғамас пана жойда “беркиниб” ётган ноёб топилмаларигача таҳлил этилган. Тақризда муаллиф адабиётшунос олимнинг теран фикрлари, маҳорати ҳақида суюниб ёзади.

Асар ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун “Уфқларнинг чин ошиғи”дан парча келтирамиз: “Саид Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам кўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, кўли келишганини кўриб яхши созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишни орзу қилган эдик. Шу орзумиз ушалиб келаётибди. “Уфқ” унинг илҳом ва маҳорат билан чалган машқидир”⁵(Абдулла Қаҳҳор). Ушбу асар чиндан-да Саид Аҳмаднинг самарали ижод йўлини тўла-тўқис ёритган рисоладир.

Шунинг учун ҳам тақризда мунаққиднинг ижодий маҳоратини ғоят юқори баҳолаган.

Газетанинг “Китобингизни ўқидим” номли рукнида доимий тарзда кичик адабий тақризлар эълон қилиб келинади. Мана улардан бири. Миразиз Аъзамнинг “Туйғулар ростлиги” номли адабий тақризида шоир Муҳаммад Ғаффорнинг “Қора табассум” номли шеърини тўплами ҳақида сўз боради. “Ҳайне: “Энг оддий пиёз ҳам кўздан ёш келтира олади. Наҳотки, йиғлатувчи асарнинг қадри пиёз қадар бўлса”, дейди. Тўпламни қайта ўқидим. Йўқ, арзон баҳоли сентиментал нарса ҳам эмасди бу шеърлар. Ҳайне аслида лирик бўлса-да, ҳазилкаш, кулгуга мойил, ҳажвчиликни ҳаётининг бир бўлаги деб билган ҳозиржавоб шоир ҳам эди. Мана “Миртемир домланинг айтганлари” шеъри:

⁴Ҳошимов Ў. Таскин // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 20 июнь. № 25 (3957) сон.

⁵ Норматов У. Уфқларнинг чин ошиғи. – Тошкент: Yurist-media markazi. 2008. 6-б.

Кенгликлар устида турарди гаранг,
Аждодни унутиб қўйган хуррият.
Манқуртга айланиб борарди, қаранг,
Соҳибкиронлардан қолган зурриёд.
Қодирий, Чўлпондан меросхўр нола
Кўзимга жойлади мангу дostonни.
Ҳеч ким менсимаган жайдари бола
Уйқудан уйғотди Ўзбекистонни.

Бу шеър конкрет воқеа, атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг шеърлятига кириб келган вақти билан боғлиқлигини инобатга олсак, шеърнинг нималарга қодирлигини ҳис этасиз, албатта”.⁶

Ушбу адабий тақризда шоирнинг “Қора табассум” шеърй тўпламидан олинган таассуротбилан бирга мунаққиднинг шоир шеърлари ҳақидаги мулоҳазалари ҳам жой олган. Муаллиф тақризда шунчаки шеърлар ҳақидаги шахсий мулоҳазаларини ифодаламайди. Балки фикрларини исботлашга урунади. Тўғрироғи, унинг фикрларига ишонганингизни сезмай қоласиз. “Китобга кирган шеърларнинг аксариятида мазмун яланғоч сатрларда эмас, тимсолларда ёки оддий манзаралар орқали берилган. Тошларни ғижирлатиб босаман ўзимни босганим каби. Кўзларида лабларимдан қочган тушларимдан қўрққан сўзлар. Тақриз муаллифи шоир шеърларини “ҳиссиётга қўчган тасаввурнинг ич тўқималарида яшаган манзаралар” деб атайди.

Одатда, тақризлар бадий асар мутолаасидан сўнг туғилади. Асардан олинган таассурот, бадий асар сабаб жунбушга келган руҳий ҳолат акс этади унда. Адабий тақризнинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг адабиёт назариясининг тош-тарозусига таяниб ёзилишидир. Яъни мунаққид тақризда нафақат бадий асарнинг маъно-моҳияти ҳақида ёзади, балки асарнинг жанр талабларига қанчалик жавоб беришини ҳам муҳокама қилади.

⁶Мирализ Аъзам. Туйғулар ростлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 20 июнь. № 25 (3957) сон.

Бир қарашда, адабий тақризларни “бадийасар мутолаасига чорлов”, деб аташ мумкин. Чунки унда ҳақиқатан ҳам мутолаа қилишга чорлаш оҳанги бор. Бироқ, бу тақризлар тарғибот қилувчи жанр деган хулосани бермайди. Боиси, адабий тақризларда адабий муҳитда кўзга ташланаётган нуқсон ва камчиликлар ҳам намоён бўлади.

Газетада эълон қилинган яна бир адабий тақризни кўриб чиқамиз. “Асрнинг руҳият манзаралари” номли ушбу тақриз шоир Жамол Камолнинг “Аср билан видолашув” китоби ҳақида. Шоир “Ишқ ва орзу” шеърига бутун бошли янги тўртликни қўшса, “Эй буюк тупроқ”, “Тун чорлайди”, “Буюр дедим...” каби шеърлар-у саккизликлари ва айрим ғазалларини яна бир карра таҳрирдан ўтказган. Таъкидлаш жоизки, “Сайланма”да шеърлар мавзулари ва яратилиши даврига кўра тартиблаштирилиб, олти қисмга тақсимланган. “Асрбилан видолашув” асарида Ватан ва инсон моҳияти бадий тадқиқ қилинган.⁷ Филология фанлари доктори Охунжон Сафаровнинг ушбу адабий тақризида “Аср билан видолашув” асарининг замон шеърлятида тутган ўрни, асардаги мавзулар кўлами, ижодкор руҳиятидаги пўртаналар таҳлил қилинган. Мунаққид “У инсон дардларини бу шаклда фалсафий теранликда ифодалаш йўлида тинмай изланди. Натижада икки юздан зиёд саккизликлар ижод этди” дейди.

Лекин “Сайланма”га уларнинг энг мақбулларини саралаб, қайта назардан ўтказиб, бир юз ўнтасинигина киритган. Ўз ижод намуналарига нисбатан бундай талабчанликни тўпламга киритилган ғазаллари ва мухаммаслари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Зеро, у “жонига шайдолик солган” ғазалларини инсон ва замон хизматчисига айлантиришида, шу асосда арузни ҳозирги адабий тил имкониятлари доирасида янгилашда Эркин Воҳидов билан сафдошлик қилди”, – деб ёзади муаллиф. Адабий тақризда фақат таҳлил қилинаётган асар доирасида чекланиб қолмай, бошқа асарлар билан ўхшашликлари, мутаносибликлар, ўзига хосликлари ҳақида ҳам сўз юритилган. Шеърини асарни

⁷Сафаров О. Асрнинг руҳият манзаралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 3 октябр. № 40 (3972) сон.

тушуниш, таҳлил қилиш учун, албатта, уни қалбан сеза билиш лозим. Тақризда ана шу ҳолат яққол кўринган. Мунаққид шеърӣ асарни, бошдан охир шунчаки таърифлаб эмас, ундаги инсон ва табиат, Ватанга муҳаббат, одамийликни улуғлаш, эркин шарафлаш мавзулари айрича ёндашувни кўрсатиб берган. “Унинг “Файзулла Хўжаев кўзлари” муҳаммаси нафақат мазмуни, балки ритмик равлониги ва янги поэтик образларга тўйинганлиги билан ҳам эътиборга лойиқ:

Ажаб бир суврате, дўстлар,
Бокиб мен ҳар сафар дилсўз,
Ажаб бир чакнаган сиймо,
Ажаб бир порлаган юлдуз,
Бу кўзлар мунчалар шаҳло,
Бу кўзлар мунчалар маъюс,
Бу кўзлар айласа ҳар неки
ошкору ниҳон айлар,
Бу кўзлар имтиҳон айлар,
бу кўзлар имтиҳон айлар.

Шоир Файзулла Хўжаев кўзлари таърифида унинг маънавий суврати ва сийратини тасвирларкан, гўзал поэтик такрор, тазод ва бошқа санъатлар воситасида лирик қаҳрамон армонларини ғоят жозибали ифода этган”.⁸ Мунаққид ушбу тақризда шоир Жамол Камол шеърӣятидаги жозоба, тафаккур ва тасаввур манзараларини мусаввир каби аниқ тасвирлаб берган.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида адабий тақризлардан яна бири адабиётшунос Ғулом Карим қаламига мансуб “Руҳият мусаввири” мақоласидир. Ушбу тақриз ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Беозор қушнинг қарғиши” асари ҳақида.

Китобда “Бедор мозий” номи билан алоҳида бўлимга ажратилган ҳикояларга ёзган кириш сўзида муаллиф шундай дейди: “Кишилар хотирасидан

⁸. Сафаров О. Асрнинг руҳият манзаралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 3 октябр. № 40 (3972) сон.

ўчмаган тарихий воқеаларгина тирик ҳисобланади... Уларнинг аҳамияти, қиммати кейинги авлодларга бедорлик бахш этишидадир”. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг замонавий мавзудаги ҳикоялари шакл ва мазмуни муаллифнинг услуб устида жиддий изланаётганлигини кўрсатади. “Отамнинг ошнаси” ҳикоясида чўлда ишлайдиган каттакон одам меҳмон бўлиб келган хонадонда футболдан гап қўзғалади. Уй соҳиби ўғлига меҳмонни: “Амманинг ашаддий ишқибозларидан”, – дея таърифлайди. Ҳикояда баъзи ҳис-туйғу, майли-истак ва ишқибозлик одамда шароит тақоза этгунча яширин ҳолда бўлиб вақт-соати етганда жунбушга келиб, ўзини намоён этиши санъаткорона кўрсатилган.

Танқидчи ушбу тақризда асардаги нозик жиҳатларни, ҳикоянависликда учрамайдиган камёб жиҳатларни топган ва мақолада фикрларини далиллаб кўрсатади. У асосий урғуни персонажларнинг диалогларига қаратади. Ана шунда қаҳрамонларнинг ички олами, дунёқараши ортиқча тушунтиришларсиз яққол кўринади. Бу эса, адабий тақризнинг мулоҳазага бой, далилларга тўйинган пишиқ материал бўлишига хизмат қилган. Тақризда асарнинг номланишидан тортиб, ёзувчи нима демоқчи эканлигигача таҳлил қилишга уринилган. Ушбу тақризда бадианинг сал-сал бўй кўрсатаётганини кўриш мумкин. Чунки адабий тақризда таҳлил ва муносабат етакчилик қилади. Мазкур тақризда эса, муаллифнинг ўй-хаёллари, таассуротлари бирламчи. Аммо бу унинг жанр талабига жавоб бермайди, дегани эмас. Гоҳида, адабий тақризда илмийликдан биров чекиниб, шахсий муносабатини ҳам билдириши тақризни янада бойишига сабаб бўлади. Чунки самимият, табиийлик ҳар қандай асарга тафти беради, ўқишли чиқишини таъминлайди.

Юракдан ёзилган асарнинг харидори кўп бўлади, дейдилар. Шунга ўхшаб адабий тақризда ҳам табиийлик керак. Биз юқорида кўриб чиққан адабий тақриزلарнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тақриз ёзиш мумкин. Адабий тақриزلарни ўқиб, улардаги умумийликни кузатиш қийин. Гарчи ҳар бири муайян жанр талабларидан келиб чиқиб ёзилган бўлса-да, ҳаммасида ўзига хослик бор. Газетанинг “Китобингизни ўқидим” номли рукнида эълон қилинган

яна бир мақолага эътибор қилайлик. Филология фанлари номзоди Исмоил Бекжон томонидан ёзилган ушбу адабий тақриз Сулаймон Ҳайдар Касбийнинг “Ўчмас шамчироқ” китобига атаб ёзилган бўлиб “Мушоҳада бадиияти” деб аталган. Унда шоир яратган бой адабий мерос ҳақида фикр юритилган. Шоир асарларидаги фалсафий-ирфоний кузатиш, ахлоқий-дидактик хулосаларга баҳо беради. Ижодкорнинг кенг қамровли фикрларини кичик ҳажмли тўртликларда маҳорат билан ифода эта олганини юксак баҳолайди.

Бизни ўхшатарлар иймон қавмига,
Бир-бирига чин рафиқ гирён қавмига.
Фитна-ю ғийбатга ошно бўлиб айт,
Қачон ўхшадик биз инсон қавмига?

Сулаймон Ҳайдар бу тўртликларда яратгувчини таниб, унинг йўриғига амал қилувчи ҳар бир бандани иймон қавмига “ўхшатиш” ножиозлигини, фитначи, ғийбатчи одам инсон зоти ва иймон аҳлидан бўлаолмаслигини таъкидлайди. Шоир шеърларида, шунингдек, ота-онага ҳурмат мавзуси кўп учрайди”.⁹

Инсон баъзида қилган ишимни ҳеч ким билмайди қабилида қадам босиб, гуноҳга қўл уради. Шоир эса, ҳатто чумолидан ҳам из қоладиган бу дунёда ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, дейди. Асар дидактик жанрда бўлгани учун адабий тақриз ҳам бевосита шунга урғу беради. Яъни у шеърларнинг моҳиятини ота-боболаримиздан мерос қадриятларимиз, одоб-ахлоқ ҳақидаги панд-насихатлари мисолида ҳам тақриз шеърий асар таркибидаги насрий асарга ўхшайди.

“Айтайлик “аёлғу” радифли рубоийдаги қадимий аёлғу мусиқа асбобининг ҳозирги қайси созга ўхшашини ҳеч ким билмайди, шунинг учун бу архаик атама ўқувчида аниқ тасаввур уйғотмайди. Сулаймон Ҳайдар сўз санъатининг асосан туркий шеъриятга хос тури – туюқ жанрида ҳам қалам тебратиб:

Бу кўнгил кезмоқ бўлур мулки Ироқ,
Баъзида сарҳад ошиб олис – ироқ.

⁹Исмоил Бекжон. Ўчмас шамчироқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 4 июль. № 27 (3959) сон.

Топмадим дафъи фаромушликни ҳеч,
Чал муғанний фаъмга куйи Ирок”.¹⁰

Сулаймон Ҳайдар томонидан ёзилган “Ўчмас шамчироқ” китобига ёзилган ушбу тақризда шоирни кўкка кўтариш билан чекланмасдан, муаллиф, шоир ижодига доир танқидий фикрларини ҳам билдирган. Масалан, Сулаймон Ҳайдар – туюқ жанрида ўнлаб шеърӣ намуналар яратиш баробарида зўракиликка ҳам йўл қўйгани, шоир шеърларида насихатгўйлик ҳаддан зиёд ошиб кетганлиги сабаб ўқувчини зериктиришини ҳам таъкидлайди. Бу эса унинг ҳолисона берган баҳосидан дарак беради. Мунаққид ютуқ бор жойда камчилик муқаррар эканлигини унутмаган ҳолда, ҳар бир асарни таҳлил қилиш жараёнида ҳар иккала жиҳатни ҳисобга олиш зарурлигини ҳам унутмаган.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ташкил этилгандан буён адабиёт ва санъат оламида кечаётган жараёнларни, яратилаётган янги асарларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб келади.

Адабий тақризлар газета саҳифаларида катта аҳамият касб этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, газетанинг “Танқид ва адабиётшунослик” саҳифасида деярли ҳар ҳафта адабий тақризлар эълон қилинади.

Газетанинг нашрларини кўриб чиққанимизда, шунга гувоҳ бўлдики, ушбу ҳафталик ҳамиша адабиёт, санъат соҳасидаги кичик жаҳатларини ҳам ифодалашга интилан. Энг муҳими, газетада таҳлилий материаллар кўп. Адабий тақризларда ҳам бирёқлама таҳлилдан қочиб, танқидий ёндашув ҳам жой эгаллаган. Газетада доимий равишда босиладиган адабий тақризларда илмий-тадқиқотлар, адабиётшуносликка оид изланишлар билан бирга замонавий адабий жараёнларга ҳолисона муносабат ҳам катта аҳамият касб этади. Тақризларда бугунги кун адабиёти ва санъати билан боғлиқ мулоҳазалар, шеърӣ ва насрий асарларнинг моҳияти теран нигоҳларда кузатилиб, газетхон юрагига кириб боради.

¹⁰Исмоил Бекжон. Ўчмас шамчироқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 4 июль. № 27 (3959) сон.

Биз битирув малакавий ишини ёзиш пайтида кичик тадқиқот ўтказдик. Унга кўра “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2008 –2009 йил сонлари ўрганиб чиқилди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, адабий тақризларнинг асосий қисми шеърӣй ёки насрий асарларга муносабат тарзида ёзилган. “Китобингизни ўқидим” рукнида шу мавзудаги тақризлар ўрин олган. Бироқ, тарихий ва илмӣй асарларнинг таҳлилига бағишланган асарлар ҳам талайгина. Газетада фақат юқоридаги рукнда эмас, балки, “Тақриз”, “Ваъда”, “Биз киммиз?”, “Доимий ҳамроҳ”, “Нигоҳ”, “Таржима юксак санъат”, “Танқидни танқид” ва “Қалб ва қиёфа” каби рукнларида ҳам адабий тақриз ва танқидий мақолалар берилади. “Ваъда” рукнида ёш қаламкашларнинг биринчи китобига тақризга ўхшаш мақолалар берилса, “Доимий ҳамроҳ”да луғат ва шунга ўхшаш китоблар ҳам “реклама” қилинади (масалан, ЎзАСнинг 10.02.2006. №6 сонида “English – Uzbek, Uzbek – English dictionary” китобчаси ҳақида маълумот бор). “Биз киммиз?” рукнида тарихий асарлар ҳақида тақризлар берилади.

Маълумки, адабий тақризлар асосан адабиётшунос олимлар, умуман, ижод ичида бўлган, унинг пасту баландини, машаққатини яхши билган олимлар томонидан ёзилади.

Оддий китобхоннинг фикр-мулоҳазалари, таассуротларида илмӣйлик етишмаслиги мумкин. Газетада нашр этилган адабий тақризларда ҳам табиӣй, самимий, ҳам илмӣй асосларга таяниб ёзилган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да таҳлил қилинган китоблар, ҳоҳ танқидий, ҳоҳ ижобий мавзуда муҳокама қилинган бўлсин, китобхонлар эътиборини қозонади. Ушбу нашр саҳифаларида эълон қилинган адабий тақризлар шунчаки, адабиётшуносликка доир илмӣй тадқиқотларгина эмас, балки миллий адабиётимизнинг эртаси учун ривожланиши йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адабий тақризларнинг мавзулар туридан қатъӣй назар фақат бир мақсадни кўзлайди, адабиётнинг софлиги, тилимиз жозибасини имкон қадар намоён

этиш, ижодкорларнинг сўз маъсулиятини тўла англаб, яхши асар яратиши учун курашдан иборат бўлади. Ана шунинг учун адабий тақризлар адабиётшуносликда асосий жанрлардан бири саналади. Шунинг учун ҳам адабий тақризлар қайси асар ҳақида бўлишига қарамай, ҳар қандай замонда ҳам ўзининг илмий қимматини, жозибасини сира йўқотмайди.

II БОБ. БАДИЙ АСАРЛАРГА ЁЗИЛГАН ТАҚРИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. Адабий – бадий тақризларда адабий жараёнга муносабатнинг намоён бўлиши (“Шарқ юлдузи” журнали мисолида)

“Услуб—одам демакдир” деган доно нақл бор. Ёзувчи табиатан қанақа бўлса, асарлари ҳам шунақа бўлади. Бу таъбирни Саид Аҳмадга бемалол нисбат берса бўлаверади. Табиатдаги лирик ва юмористик хислат ёзувчининг тасвир услубига, асарларига шундайгина кўчади-кўяди. Унинг ижодига назар ташлаганда икки услубий йўналишни кўриш мумкин. Саид Аҳмад – ҳам лирик, ҳам юмористик ёзувчи”.¹¹

Адабий тақризда танқидчининг таҳлил қилиш маҳорати кўп нарсани ҳал қилади. Бордию, у асарни шунчаки баён қилиб берса, тақриз қуруқ, ясама бўлиб қолади. Адабий тақризда таҳлил бўлмас экан, уни мукамал деб бўлмайди. Чунки тақризнинг ўзаги таҳлилдир. Шубҳасиз, таҳлилда ҳам аниқ далилларга, мисолларга таянилади. Асардан парчалар келтириб, унинг жанр хусусиятлари, персонажлардаги уйғунлик, умуман, бутун асар микродунёсини таҳлил этиш учун танқидчида тарлича билим, кўникма бўлиши керак. Шу ўринда адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг кўйидаги сўзларини келтириш жоиз: “Фикр – билимнинг ҳосиласи”. Чиндан ҳам, бирон жўяли гап айтиш учун кишида тарлича билим бўлмоғи зарур. Айниқса, адабий жараёнларга тўғри баҳо бериш, асар моҳиятини муфассал изоҳлаш ва тадқиқ қилишда бунинг аҳамияти катта. “Аравани қуруқ обқочиб” адабиётшуносликда янгилик яратиб бўлмайди. Бунинг учун жуда кўп ўқиш, изланишлар талаб этилади.

¹¹ Норматов У. Уфқларнинг чин ошиғи. – Тошкент: Yurist-media markazi. 2008.-11-б.

Биламизки, бадий асарга ёзилган тақризлар фақатгина муайян бир асар ҳақида эмас, балки, ижодкорнинг бутун ижодини ҳам камраб олиши мумкин. Баъзида мунаққид бир нечта асар мисолида ижодкорнинг ўзига хосликларини очишга интилади. Ижодкорларнинг қай манзилда туғилиб, камол топгани ҳам унинг ижодига таъсир этмай қолмайди. Тақриз самимий, меҳр бериб ёзилиши лозим.

Таҳлил фақат фикрдангина иборат бўлмайди. Унда бошқаларнинг мавзу доирасида билдирган мулоҳазалари ҳам келтирилади. Ана шунда таққослаш, солиштириш имконияти яратилади. Бу эса тақриз муаллифига тўғри хулоса чиқаришда ёрдам беради. Адабий тақризлардаги ҳар бир унсурнинг ўз ўрни бор. Масалан, мутолаа – тақризнинг пойдевори. Яъни мунаққидни бадий тақриз ёзишга ундайдиган, асарнинг моҳиятини бошқаларга етказишга, муносабат билдиришга мажбур қиладиган нарсадир. Мунаққид ўқигани сари ижодкор руҳиятига кириб бораверади, ана шунда у бошқалар кўролмаган, англай олмаган энг кичик детални ҳам илғай олади. Мутолаа адабий тақриз ёзилишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Бадий тақризда муаллиф ёзувчи ҳикояларида илгари сурилган ғояни таҳлил қилишда ҳам ҳикоя қаҳрамонларининг сийратига таянади. Яъни ҳикояларда адиб уруш даҳшатини портлаган бомба, ўқ овозларининг совуқ жаранги билан эмас, балки уруш туфайли азият чеккан болаларнинг уруш сабаб ҳаёти остин-устун бўлиб кетган одамларнинг тақдири орқали ифодаланишини таъкидлайди. Айни ўйнаб куладиган болалик йилларини катталардек турмуш ташвишлари билан ўтказган болаларнинг урушга бўлган нафрати ҳақидаги бу ҳикоялар ўзбек болалар адабиётида янги бир босқични бошлаб берганини айтади.

Бадий тақризларда муносабат билдиришда муаллиф фақат мавзу доирасида чекланиб қолмайди. У асарни тадқиқ этишда бутун бир миллат адабиёти миқёсида, ёндашиб, фикр юритади. Асарга қай жиҳатдан ёндашиш, албатта, мунаққидга боғлиқ. Баъзи ҳолларда бадий тақризларда ёндашувнинг

катъий эмаслиги, унинг қуруқ, ясама чиқишига сабаб бўлади. Умуман олганда, бадиий тақризларда таҳлил ва ёндашув материални ушлаб турадиган икки устун вазифасини ўтайди.

Адабиётимиздаги янгича изланишлар, тасвирнинг турфа хиллари юзага келаётганлиги ҳақида адабиётшунос ва ижодкорлар томонидан турлича мулоҳазалар билдирилмоқда. Баҳсли тарзда айтилаётган бу мулоҳазаларда бугунги насримиздаги изланишларни Ғарб модернизмига боғлаш, айрим асарларни модерн адабиётининг ўзбекча варианты, деган фикрлар ҳам баён қилинмоқда. Тўғри, бу мулоҳазаларни ҳам асоссиз деб бўлмайди. Аслида модерн адабиётидаги тасвир усуллари реализмга зид эмас, аксинча, у ўзига хос реалистик тасвирда бўй кўрсатмоқда. Рисолада ана шу масалаларда ҳам фикрлар ўртага ташланган. Адабий –бадиий тақризда рисоланинг илмий далиллар билан бойитилгани, ҳар бир фикр-мулоҳазани асослашда бугунги адабий жараёнларни изоҳлаш орқали билдирганини кўриш мумкин.

Баъзида бадиий тақризда илмийликнинг ўзи етарли бўлмайди. Бунда муаллифнинг ички ҳиссиётлари, кечинмалари ҳам қоғозга кўчади. Бу ўз навбатида адабий тақризга ҳарорат бағишлайди. Уни ўқиган газетхонда, албатта, таҳлил қилинган бадиий асарни ўқиш истаги туғилади. Бадиий тақризнинг таҳлили, ёндашуви унда қизиқиш уйғотади. Айнан шу бадиий тақризда таҳлил ва ёндашувнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Адабиётшунослигимиз тарихида шундай адабий тақризлар яратилганки, улар бадиий асар билан бирга ўрганилади. Гоҳида шундай пайтлар бўладики, танқидчи асарнинг бадиий манзарасини ёзувчидан ҳам яхшироқ тасвирлаб беради. Бу каби тақризлар адабиёт оламида катта воқеадир. Биз ана шундай бадиий тақризларда ёндашув ва таҳлилнинг ҳам юксак ифодасини, уйғунлигини яққолроқ кўрамыз. Ана шунда тақриздаги жозибани яна бир қарра ҳис этамыз.

Адабий тақриз ёзаётган танқидчининг заммасида катта масъулият туради. Бу – мақолаларда замонавий адабиётнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш билан бирга, бу камчиликни тузатиш йўллари хам кўрсата билиши даркор. Зеро, танқидчи, олим Озод Шарафиддинов: “Танқидчи ижод боғига болта эмас, тоқайчи кўтариб кириши керак”, деган эди.

Адабий тақризларнинг аксарияти ё мақтовдан, ёки фақат танқиддан иборат бўлади. Бу бадиий асарга бир ёқлама муносабат билдириш натижасида юзага келади. Адабий тақризларнинг кўпи ижодкорга “оқ йўл” тилаб ёзилади. Яъни китоб нашр этилаётганда сўзбоши сифатида чоп этилади. Бироқ, адабий тақризнинг вазифаси фақат “оқ йўл” тилаш билан чекланмайди. Адабий тақризлар замонавий адабий жараёнга муносабат, бир асар билан давр адабиётига назар солиш орқали уни мукамалроқ асарга айлантиради.

“Шарқ юлдузи” журнали кўпдан буён адабиёт ихлосмандлари учун яхши ўртоқ. Журнал саҳифаларида ёритилаётган материалларнинг ҳар бирида замонавий адабий жараён нафаси бор.

Журналнинг “Асрлар, асарлар” рукнида адабий тақризларга кўзингиз тушади. Тақризнинг ўзигина эмас, балки таҳлил қилинган асар ҳам у билан бир саҳифада босилади. Бу ўз навбатида ўқувчига тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Мана ана шундай тақризлардан бири: “Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача” деб номланган бу асар мана шу даврнинг қарийб эллик йиллик воқеасини ўз ичига олган –ҳаётнинг асл ўзи, унинг бор ҳақиқатидир, десам хато бўлмас. Асарда қиссалар бир-бири билан боғлашиб, воқеалар тизими ривожланиб бораверади. Ҳатто, “чегара”дан чиқиб, ҳозирги пайтда инсоният олдида турган долзарб муаммолар билан уйғунлашиб кетади”.¹² Ушбу тақриз ёзувчи Дадахон Нурийнинг “Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача” деб номланган асари ҳақида бўлиб, адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов томонидан ёзилган.

¹²Шарқ юлдузи. 2002. 1-сон. 52-б.

Такризда олим асарга баҳо берар экан, ундаги воқеаларга тўхталиб ўтирмайди. У “ёзувчи ўқувчини баланд тоғу тош сўқмоқлари, чўл биёбонлар, ўрмону одам қадами етмаган чангалзорлар бўйлаб етаклайди. Шу аснода содда – дилкаш кишилар, кенг фикрли фозилу донолар, нодон, ўта тўпори мансабдорлар, лўттивоз сиёсатдонлар, сохта “эътиқод” қулига айлантириб қўйилган раҳбарлар ва уларнинг югурдаклари, дунёни титратган, қулаш арафасида талвасага тушиб қолган салтанатнинг турли даражадаги бўронларига йўлиқтиради. Уларнинг сурат-сийрати билан таништиради” дейди.

Муаллиф асар ҳақида сўйлар экан, бугун яратилаётган асарлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. “Бу асарни ўқувчилар мамнуният билан қабул қилади, чунки улар бундай қизиқарли асарга кўпдан буён чанқоқ”, – дейди. Мана шу сўзнинг ўзиёқ замонавий адабий жараёнга муносабатдир. Танқидчи шу жумлада қизиқарли, ўқувчини зериктирмайдиган, пишиқ асарлар яратиш ҳар куни ҳам учрамаслигини таъкидлайди. Замонавий адабий жараёнларга муносабатини гап орасида “қистириб” ўтади. Бу ўз навбатида бадиий асарга берилган яхши баҳони билдиради. Шу билан бирга, замонавий адабиётдан, яратилаётган асарларнинг рисоладагидай эмаслигидан норозилигини ҳам ифодалайди.

Журналда босилган “Имконият ва маҳорат” номли такризни кўриб чиқамиз. Ушбу такризда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Холдор ижоди ҳақида сўз боради. Маълумки, адабий такриزلарда бир асар ва бир неча асар таҳлил қилишини ҳам мумкин. Ушбу такризда ҳам шоирнинг уч жилдлик танланган асарларига киритилган шеърӣй ва насрий асарлари муҳокама этилган.

Бир сиқим тупроқни, олиб қафтимга,

Узоқ-узоқларга кетар хаёлим,

Мен уни тутурман юрак тафтимга,

Ундадир камолим, унда заволим.

Ижодкор асарлари орасида табиат лирикаси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу шеърларни ўқир экансиз, юртимизнинг турли фасллардаги таровати,

полизларидан таралаётган хандалак ва қовунларнинг кўнгилини қитиқловчи хидлари, боғлардаги қушлар ноласи, зилол сув бўйида сочларини ёйганча ўйга толган гўзал қизларнинг ибоси, ариқлардан оқаётган тиниқ сувлар шалоласи кўз олдингизда намоён бўлади”.¹³

Такриз бевосита шеърият билан боғлиқ бўлгани учун муаллиф қалбида кечган ҳиссиётларини шоир шеърларидан таъсирланиб, кўз олдида гавдаланган манзараларни тасвирлаб қоғозга туширган. Уч жилдлик сайланмадан Олимжон Холдорнинг ҳам шеърий, ҳам насрий асарлари (“Миркомилбой”, “Аросат” романлари, “Кўнгил”, “Армон”, “Осмон калити” каби қиссалари) ҳам жой олган. Такриз муаллифлари Абдулҳамид Нурмонов, Абдумутал Абдуллаев ва Ҳалим Каримов ижодкорнинг насри ҳақида гап кетганда ҳиссиётларни эмас, аниқ фактларга асосланган таҳлилий фикрларни ўртага ташлайди.

“Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида “Андижоннома” газетасида янги-янги мавзулар, ҳаётий мисоллар пайдо бўлди. Ана шундай тадқиқотлардан бири “Жаҳон тан олган андижонликлар”нинг кашф этилганидир. Ушбу рўйхатда йирик пахтачи Миркомилбойнинг исм-шарифи ҳам илк бор тилга олинган эди. Газетанинг биргина “турткиси” Олимжон Холдорнинг қалбига ғулу солиб, тинчлигини олиб қўйди”.¹⁴

Такризда ижодкор ижодига назар ташланар экан, у яратган асарларнинг давр билан ҳамнафаслиги, замон қиёсини ҳаққоний акс этганига ҳам эътибор қаратилган. Шу орқали асарнинг бадиий жозибаси билан бирга замон талабларига қай даражада жавоб беради, деган савол атрофида фикр юритилган.

“Романнинг тили ширали: асарнинг яна бир қимматли жиҳати шуки, унда ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб бой образи ижобий тимсол сифатида гавдалантирилди. Ҳолбуки, бизда Солиҳбой, Мирзакаримбой каби бойлар тимсоли орқали жамиятда ўз ўрни, ўз сўзи, ўз нуфузига эга бўлган инсонлар

¹³Шарқ юлдузи. 2002. 3-сон. 117-б.

¹⁴Шарқ юлдузи. 2002. 3-сон. 117-б.

хақида бирмунча алдоқчи тасаввурлар шаклланиб қолган эди”.¹⁵ Тақризда ижодкорнинг янги йўлдан боргани, бу ўз навбатида ўз даври учун ғоят муҳим кадам бўлгани ҳам айтилади.

Айнан мана шу ўринда муаллифларнинг замонавий адабий жараёнга муносабати кўринади. Яъни бу ўринда Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ва Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” асарларига ишора қилинади.

Маълумки, бу икки асарда бойлар салбий образ сифатида гавдаланган. Бойлик орқасидан мартабага эришган ва мол-дунёсидан камбағалларга зўравонлик қилиш, ахлоқсиз ишларда фойдаланаётган жирканч одамлар киёфаси бойлар образига сингдирилган. Тақризда айнан ана шунга ишора қилинмоқда.

Тақризда Олимжон Холдорнинг драматик асарларига ҳам тўхталиб ўтилган. Саҳна асарларида ёзувчи қўллаган ўзига хос услуб, ижодкорлик маҳоратининг айнан қайси ўринларда намоён бўлгани таҳлил қилинган.

Бола эдим, бир бахтли бола эдим,
Қувонч қучган қирдаги лола эдим.
Шалоланинг шаббодаси эдим, мен,
Ота-онам хуш бодаси эдим, мен.
Қулоч ёзсам, осмонни қучар эдим,
Чанқаганда шодликни ичар эдим.

Ушбу сатрлар Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг “Отамнинг ўкинчи” достонидан олинган. Ушбу сатрлар билан асар бошланади. Достон ҳам шеърий, ҳам насрий йўлда ёзилган. Яъни достон воқеалари насрий йўл билан шоир кўнглида кечган ҳис-туйғулар, кечинмалар шеърий йўл билан ифодаланган.

–Намунча қовоғингиздан қор ёғмаса? – деди уйга хомуш кириб келган отамни қарши олган онам.

¹⁵Шарқ юлдузи. 2002. 3-сон. 117-б.

– Онаси мен ўз касб-коримни ўргатиб, яна яхши бир шогирдини камолга етказдим деб, хушнуд юргандим. Аслида бағримда илон асраган эканман.

– Нега бундай дейсиз? Худога шукр қилинг, бир эмас, бир нечта шогирларингиз бор. Ҳаммаси кўркам, чиройли иморатлар қуриб, элу юртнинг корига яраб юрибди.

– Тўғрику-я, лекин бир кун келиб, улардан бири кексайганимда менга хиёнат қилади, сотқинлик қилади, деб ўйламагандим!

Достон ана шу воқеадан бошланади. Асарда лирик қаҳрамонларнинг ана шу воқеадан таъсирланиб, кўнглидан ўтказган ўй-хаёллари биринчи планда тасвирланган. Асарнинг “Отамнинг ўкинчи” деб номланганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

“Бу асарда ҳам унинг бошқа шеърларига хос иккита хусусият бор: биринчидан, достон қалбдан қайнаб чиққан, зўр самимият билан ёзилган. Иккинчидан, унинг мазмуни ўзига хос. Шоир ҳамма нарсга ўз нигоҳи билан қарайди, ўз фикрларини айтишга, ўз туйғуларини ифодалашга ҳаракат қилади, бу интилиш эса унинг шеърларида ҳам, қуйма мисраларда, ҳикмат шаклига бурканиб намоён бўлади”.¹⁶ Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ўзининг “Қалбдан қайнаб чиққан кўшиқлар” тақризида юқоридаги сўзларни ёзади. Танқидчи достоннинг тузилиши, жанр сифатидаги ўзига хосликларни, ижодий кашфиётларни ҳам саралаб кўрсатади. Олим асарни ўз билими, тушунчасига кўра таҳлил қилади. Адабий тақризда мунаққиднинг тафаккур миқёси далилларни умумлашма фикр чиқаришга йўналтира билиш англашилади. Адабий тақриз танқидчи қалби, завқ-шавқи ва асардаги энг нозик нуқталарни қай даражада қила олишини кўрсатади. Ушбу тақриз Озод Шарафиддиновнинг бошқа тақриzlари сингари ниҳоятда содда, тушунарли тилда ёзилган.

Озод Шарафиддиновнинг ушбу тақризида шоир ҳиссиётларини тушуниб, унга ҳамоҳанг муносабат яққол кўринади. Бадиий асар маъно-моҳиятини англашда ижодкор руҳига кира билиш, унинг кечинмаларига кечинмадош

¹⁶Шарқ юлдузи. 2002. 3-сон. 117-б.

бўлиш, муҳим аҳамият касб этади. Танқидчида кечинмадошлик қанча кучли бўлса, ўзлигини намоён этиш шунча осон бўлади. Асарни қалбан англашга ёрдам беради. Ана шу орқали олимнинг танқидчилик маҳорати янада юксала боради. Шунда адабий тақризнинг ҳам “туз”и “оби-тоби”га келади. Асар моҳиятини англашга хизмат қилади.

“Шарқ юлдузи” журнаlining “Адабий давра” рукнида ҳам давр адабиёти масалаларига оид кўплаб яхши адабий тақризлар чоп этилади.

Филология фанлари номзоди Абдулла Улуғовнинг “Пишиқ тасвирлар таъсири” тақризини олайлик. Ушбу тақризда замонавий адабиётимизнинг бугунги манзараси ҳақидаги мушоҳадалар акс этган. Адабиёт ҳаётининг ўзига хос кўзгуси бўлгани учун кишилар маънавияти, руҳиятидаги ўзгаришлар бевосита унда акс этади. “Албатта, адабиётда азалдан одамлар бир-бири туфайли шодланиб қувониши, қайғу-ғамга ботиши кўрсатиб келинади. Аммо бу боғлиқни теранроқ таҳлил қилиш, бу муаммога ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиш бугунги кунда адабиётнинг долзарб масаласига айланди.

Чунки одамлар ахборот бўрони кучаяётган ҳозирги даврда, замона янгиликларидан хабардор бўлишга зўр бериб уриниши оқибатида, бир-бирига нисбатан бефарқ, лоқайд бўлиб бормоқда. Бир-бирига нисбатан бундай совуқ муносабат – оқибатсизлик ҳар бир одамнинг ҳаётида тубсиз фожеалар келтириб чиқармоқда”.¹⁷

Адабий тақриз ноодатий тарзда, ноодатий кириш сўзи билан бошланган. Бундан кўринадики, унда кўтарилган мавзу ҳам анчайин долзарб аҳамиятга эга. Тақризда ўзбек адабиётининг бугунига доир ютуқлар ва оғриқли муаммолар ҳақида сўз боради. Олим “Ҳамманинг фақат ўзини ҳақ санашга ҳаракат қилиши, бошқаларнинг эмас, кўпроқ ўзининг хоҳиш-истаклари, манфаатини ўйлаши, шу боисдан одамларнинг бир-бирини англаши, тушуниши, ён беришга интилиши қийин кечишини кўрсатиш, гарчи турли мавзуда битилган бўлса-да, Шойим Бўтаевнинг “Шоҳона совға”, Абдуқаюм Йўлдошнинг “Отчопар”

¹⁷Шарқ юлдузи. 2008. 3-сон. 149-б.

киссаларини Зулфия Куролбой қизининг “Муҳаббат ва нафрат”, Абулқосим Мамарасуловнинг “Ойсулувнинг кўз ёшлари”, “Қариб қуйилмаган муҳаббат” ҳикояларини умумлаштириб туради”, – дейди.

Ижодкорлар ўзига хос мавзу топишга ҳаракат қилади, асарларида ҳеч ким кашф этмаган бир жўғрофий “макон” яратишга интилади. Аммо ҳамма ҳам бунга муяссар бўлавермайди. Адабий танқидчининг асосий вазифаси фақатгина асарни таҳлил қилишдангина иборат эмас. Танқидчи бадиий асарнинг замонавий ҳаётдаги аҳамияти қанчалар муҳим эканлигини ҳам кўрсатиб бериши керак. “Ўзига хосликни топиш йўлида изланган ижодкорлар эса, адабиёт майдонида ўз сўзи, ўз овози билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар бир миллий адабиётнинг бўй-бастини эса ундаги адабий “мамлакатлар” ва уларда яшайдиган қаҳрамонлар белгилайди. Адабий “мамлакатлар” қанчалик кўп, қаҳрамонлар таъсирчан бўлса, адабиёт шунчалик салобатли, улуғвор кўринади”.¹⁸

Негаки, бетакрорлик борлиқнинг бош хусусияти ҳисобланади. Ҳар бир ижодкор ана шу бетакрорликнинг бир қиррасини топиб, ифодалай олса, у одамларнинг ҳаёт ҳақидаги, унинг мураккаблиги тўғрисидаги тасаввур, тушунчасини кенгайтиради ва бу билан ўз “мен”ини намоён этади. Ижодкор аввало кайфият одами. У доим бир ҳолатда туриб, бир хил услубда асар ёзолмайди. Унинг қалбида ҳар бир асар ўз оҳанги билан яралади. Шу аснода, бадиий асарнинг мукамал ҳолга келганини кўриш мумкин. Адабий тақризда Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар”, Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Отчопар”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жим ўтирган одам” асарлари таҳлил қилинган. Муаллиф бир неча асар мисолида замонавий ўзбек адабиётининг бугунги манзарасини рассом каби чизиб тасвирлайди, ёзувчиларнинг ижодий имкониятлари, шу билан бирга, шахсиятига назар солинади. Юқоридаги тақризда ана шу жанр хусусиятларини ҳам кўриш мумкин.

¹⁸Шарқ юлдузи. 2008. 3-сон. 149-б.

Аслида, ҳар қандай санъат асарига жон киритадиган, ҳайратланарли нодир дурдонага айлантирадиган бу ижодкорнинг маҳоратидир.

Ҳайкалтарошнинг маҳорати у яратган ҳайкалдаги жонлилик, табиийликнинг қай даражада намоён бўлиши билан баҳоланади. Рассом мўйкалами ҳам унинг маҳоратидан дарак беради. Ижодкор янги асар яратишга чоғланган паллада бор иқтидорини, меҳнатини, иродасини уни гўзал тарзда тугаллаш йўлида сафарбар этади. Ана шу – маҳоратнинг дунёга келишидир.

Адабиётшуносликда маҳоратнинг муҳимлиги қайси ўринларда кўринади? Бу саволнинг жавобини топиш мақсадида “Шарқ юлдузи” журналида босилган адабий тақризларни кўриб чикдик. Адабий тақриз тили содда, тушунарли ва ғализ жумлалардан холи бўлиши лозим. Бунинг учун адабий муаллифдан юксак маҳорат талаб этилади.

Муаллиф “мен”и, яъни ўзига хослигини яратиш ижодкорнинг ўз қўлида. Ҳар кимнинг дастхати бўлгани каби, адабиётшуносликда яратилган ҳар бир материалда ҳам яратувчисининг овози эшитилиб тургандай бўлади. Бирок кимнингдир дастхати чиройли, кимникидир хунук, яна бошқаники ҳаминқадар. Шунга ўхшаб, адабий тақризларда ҳам муаллифнинг ўзига хослиги турлича акс этади.

Шунинг учун ҳам бу мавзуда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, адабий тақризларда маҳорат масалалари ва муаллиф “мен”ининг қай даражада намоён бўлаётганини таҳлил этиш ғоят аҳамиятли ва мушкул (журналда тақриз жанрига оид мақолаларни ажратиш қийин кечди). Чунки адабий тақризлардаги мавзулар кўлами ва долзарблигининг қай даражада намоён бўлиши замонавий адабий жараёнларнинг қай йўсинда кечаётганини кўрсатади.

2.2. Адабий – бадий тақризларда ижодкор шахси (“Ёшлик” журнали мисолида)

Эстетика нуқтаи назаридан қараганда, бадий ижод ва адабий-танқидий фаолиятнинг мақсади муштарак китобхонга мукаммал бадий асарни бериш, унинг маъносини ёритиш, ҳақиқий баҳосини аниқлаш. Лекин бадий ижоднинг ўз қонун-қоидалари бўлганидай, танқидий тафаккурнинг ҳам ўз йўриқ-йўсини мавжуд. Ижодкор ва танқидчи фаолиятида бир-бирини тўлдирадиган томон бор. Ёзувчи бадий матнни яратади.

Танқидчи ундаги камчиликларни кўрсатади, муҳими, ёзувчи матнидаги гўзалликларни кашф қилади. Натижада матн бадий асарга айланади. Бадий асарнинг ижтимоий моҳияти, китобхон томонидан тўлдириладиган асоси танқидчи фаолиятига боғлиқ. Бошқача айтганда, танқидчининг талқини, баҳоси асарга “бадий олам фуқароси” ёрлиғини беради.

Мақсад томон ҳар қайси ижодкор ўз йўли билан боради. Адабий тақризда ижодкор руҳиятига кириш, унинг ҳис-туйғуларини теран англаш мақсад томон яқинлаштиради. “Бадий асар маъно-моҳиятини англашда ижодкор руҳига кира билиш, унинг камчиликларига кечинмадош бўлиш муҳим аҳамият касб этади”.¹⁹ Тақризда кечинмадошлик қанча кучли бўлса, ўзлигини намоён этиш шунча осон бўлади. Асарни ич-ичидан англаш ҳеч қачон ижодкор кечинмаларининг такрори бўлмайди. Кечинмадошлик аслида танқидчи ижоди, бетакрор мушоҳадаси бўлиб яралишини ҳис этиш керак.

Адабий тақризларда бадий асар муаллифининг руҳий дунёсига кириш орқали асар моҳиятини чуқур англаш мумкин. Зеро, ҳар бир асарда, яратувчисининг сийрати акс этиб туради. Ёзувчининг ижодини таҳлил этаётганда албатта унинг ички дунёсига назар солинади. Ана шунда адабий тақриз шунчаки таҳлилий материал эмас, балки ёзувчининг таржимонига, янада

¹⁹ Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. — Тошкент: ШАРҚ. 2000. 22-б.

аникроғи, “бадий асар таржимони”га айланади. Ана шунда адабий тақриз куруқ баёндангина иборат бўлмай, хароратли пишиқ асарга айланади. Адабий тақризларда муаллиф “мен”и айнан нималарда кўриниши ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало шуни унутмаслигимиз лозимки, ҳар бир мунаққиднинг ўзига хос ёзиш услуби, дастхати бўлади. Асосийси, бу дастхатнинг қай даражада бўлишида ва унда кўтарилган мавзунинг долзарблик даражаси ҳам кўп нарсани ҳал этади. Бошқа томондан эса, маҳоратли танқидчи қайси мавзуда ёзмасин, унинг долзарб жиҳатларини топа олади.

“Ёшлик” журнали мамлакатимиздага етакчи журналлардан бири. Журнал саҳифаларида “Тадқиқот”, “Жажжи тадқиқот”, “Кўнгил кўзгуси”, “Сабоқ”, “Қутлов” каби рукнларда адабий тақризлар эълон қилинади.

Биз қуйида журналда босилган адабий тақризларда ижодкор руҳиятига назар солиш қай даражада муҳимлигини кўриб чиқамиз.

Журнал саҳифаларида тажрибали адабиётшунос олимлар билан бир қаторда ёш тадқиқотчиларнинг ҳам тақризлари босилади. Шерзод Ақромовнинг “Маккорона сиёсатни фош этган асар” номли тақризи ана шулардан бири. Тақриз Баҳодир Мурод Алининг “Кўк тўнликлар” қиссасида хиёнаткорлар қиёфасининг ёритилиши ҳақида.

“Дунёда бўлиб ўтган барча уруш ва курашларнинг мағлубиятига ватан хоинлари ва сотқинлари ҳам сабаб бўлади. Миллий озодлик ҳаракати мағлубиятининг асосий сабабларидан бири ҳам юрт хоинларидир. Бундай хоинларни совет ҳокимияти тарбиялаб етиштирди. Улар айёрлик билан ёшларни ўз томонларига оғдириб олдилар. Ота-оналарини ўзлари ўлдириб, болаларининг бошини ҳам ўзлари силашди”²⁰.

Тақриз ана шу кириш қисм билан бошланади. Муаллиф тақризида ана шундай хоинларнинг ҳақиқий башараси Баҳодир Мурод Алининг “Кўк тўнликлар” асарида очиб ташланганлигини айтади. Шулардан бири қиссанинг бош қаҳрамони Жалолиддин бўлиб, у советлар йўлини ҳақ йўл деб билган ва

²⁰ Ёшлик. 2008. 1-сон. 43-б.

ўзи ҳам шу йўлдан кетган. Жалолиддин отасининг хожи бўлганидан уялади, номус қилади.

Инсоннинг қандай шахс бўлиб шаклланиши тарбияга боғлиқ эканлиги хусусида жуда кўп гапирганмиз. Бу айти ҳақиқатдир. Бекорга “Отадан ёш қолган – ақлдан бўш қолган” мақоли юзага келмаган. Жалолиддиннинг тарбияси билан отаси Қодирқулхожи деярли шуғулланмаган. Унинг онаси кўз ёролмай ўлгач, бошқа аёлга уйланиб, бошқа қишлоққа кўчиб кетади. Жалолиддин қари бувисининг қўлида ўсади. Шундан уни қизиллар гумон қилиб келишганидан, унга яхши муомала қилишганидан хурсанд бўлади. Аслида эса қизилларга ўзи каби “кўзи очилмаганлар” қўл келишини англаб етмайди.

Такриз муаллифи асарни таҳлил қилар экан, бошқа адабиётшуносларнинг фикрларини ҳам келтиради. Бу унинг тўғри хулоса чиқаришига сабаб бўлган. Ёш олим бадиий асарни тадқиқ этар экан, аввало асарнинг мавзуси, сюжети ва қаҳрамонлар сийратига тўхталади. Қаҳрамонлар қиёфасини тасвирлашда ёзувчи диалоглардан унумли фойдаланганини таъкидлайди ва баҳонада ёзувчи руҳиятига ҳам назар солади. Бирок, етарли даражада эмас. Тўғри, такриз асар ҳақида.

Агар адабий портрет жанри бўлганда ижодкор руҳиятига назар солиш қатъий талаб эди. Аммо ҳар қандай адабий такризда ҳам асар муаллифининг ички олами, ҳиссиётларига “қўл солиш” зарар қилмайди.

“Умр бир соғинчдир” деб аталган адабий такриз шоира Адиба Умирова қаламига мансуб. Муаллиф ушбу такризни Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ижодига бағишлаган.

Ўзбек адабиётшунослигида шеърят танқидчилиги узоқ тарихга, бой анъаналарга, етук намоёндаларга эга. Мумтоз адабиётшуносликда шеършунослик аниқроғи шеърят танқидчилиги илми нақд дейилган. Шеършунослар ҳақиқий шеърлар орасидаги сохталик, беўхшовлик каби айбларни лўнда-лўнда кўрсатиб берган. Олимлар шеърни талқин қилиш, баҳолашда бой мактаб яратган.

Адиба Умирова ана шу талабларни эсдан чиқармагани ушбу тақризида кўриниб турибди. Чунки у шоир ижодини талқин этишда шоир юрагига кулоқ тутди. Сатрларга кўчган ижодкор рухиятини англашга ва бошқаларга ҳам бу таассуротни улашишга интилади.

“Ҳақиқий шеър юракдан туғилади. Ўқиганда шеърхон қалбида абадий қолади. Инсонни тириклик ташвишидаги ғамлардан кўтариб, мардликка, олийжанобликка талпиниб яшашга чорлайди.

Кулоқ солсам шивирлагай ҳатто тошларинг,

Ою куёш, камалаклар кўзу қошларинг.

Бешигимни тебратгандир қалдирғочларинг,

Ою куёш кўрпа солган айвоним, Ватан...

Одам кўнгли доим мана шундай самимий чорловлардан нурланади. Поэтикадаги ою куёш далада офтоб тафтидан қўллари қорайган теримчи сингил, қалдирғочлар чинорлардан бешик ясаб, алла айтган муштипар она, кўрпа солган айвон – Ватан ёки киндик қони тўкилган муқаддас Тупроқ эмасми?”²¹

Тақризда муаллиф шоир юрагида кечган туғёнларнинг ифодаси бўлган шеърларидаги табиийлик, самимият, ҳеч кимда учрамаган гўзал ташбеҳлардан ҳайратини яширмайди. У шоир ижодида Ватан қиёфаси нақадар чироли акс этганини, ўлдим-куйдимлардан ҳоли, “сени севаман Ватан” деган сийқаси чиққан одатий шиорбозликдан ҳоли бўлган дилбар шеърят эканини таъкидлайди.

“Ватанга ички ришталар билан боғланган руҳ мана шундай изҳордан озуқа олади. Шоир сўзи қалбда алангаланади. Шунда Ватанни шунчаки севиб бўлмаслигига ишонасиз” – дейди у. Ҳаёт инсонга нима учун берилган? Умр-чи? Шодлигу қайғуларга тўла бу борликдан яшашдан ўзи маъни не? Шоир бу саволларга бир сўз билан, умр – соғинч, яъни муҳаббатдир, ғамдир, лекин, барибир, гўзал деяётганга ўхшайди, деб хулоса қилинади тақризда. Айнан мана

²¹ Ёшлик. 2008. 6-сон. 30-б.

шу жойда адабий тақризда ижодкор руҳиятига назар ташлаш қанчалар муҳим эканига амин бўламиз.

“Ёшлик” журналида жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ҳақида ҳам тақризлар бериб борилади. Достоевскийнинг “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар” романи ҳам ана шундай тадқиқ этган сари янги қирраси очилиб борадиган ноёб асардир. Ушбу асар атрофида кўплаб мунозаралар кечгани фикримизни далиллайди. Журналнинг “Келажак овози” рукнида ана шундай адабий тақриزلардан бири босилган. Тақриз муаллифи Иброҳим Жўра Азиз ўғли.

“Дунёдаги жамики ёзувчилар ва шоирлар инсоннинг кўпроқ ақлига эмас, қалбига мурожаат қиладилар. Кимлар қалбнинг энг гўзал гўшаларига, энг гўзал ҳиссиётларига назар ташласа, кимлар қалбнинг энг тубан пучмоқларидаги чиркинликларни қаламга олади. Аммо мақсадлари битта – қалбнинг ўлишига йўл қўймаслик, поклаш, парвозга чорлаш”.²² Адабий тақризда кириш сўзи ғоят таъсирли жумлалардан иборат. Муаллиф ҳақ. Чиндан ҳам ижодкорнинг биринчи вазифаси – инсон қалбини тасвирлаш. Бу билан чекланмай юракларни қора ниятлардан ёвузликлардан асрашдир. Тақриз қалб ҳақидаги сўзлар билан бошланган ва Достоевский романида қалб билан боғлиқ мураккабликларни қандай тасвирлаш ҳақидаги фикрлар билан янада мукаммалашган.

Тақризда романдаги нозик нуқталар, инсон қалбининг мусаввируна чизилган ўринлари таҳлил этилган. Муҳаббат – бу адабиётнинг азалий ва абадий мавзуларидан. Достоевский пок, таъмасиз, самимий муҳаббатнинг кимлар учундир ғайритабиий гўзалликларини ҳам маҳорат билан очиб беради. Умуман, эътибор бериб қарасангиз, Достоевскийнинг ушбу асаридаги барча қаҳрамонлари бир-бирларига муҳаббат иплари билан боғланган. Муаллиф асар қаҳрамонларининг ички ва ташқи портретини тасвирлайди ва шу орқали Достоевский руҳиятидаги ўзига хосликларни ҳам кашф этади. Шунингдек, у романда муҳаббатнинг бутунлай ўзгача усулда таърифланганини айтади. Асар

²⁶ Ёшлик. 2008. 6-сон. 30-б.

воқеаларидан ёзувчи сийратига йўл ахтаради. Достоевскийнинг буюклиги нимада? Такризда ана шу саволга жавоб ахтарилган. “Достоевскийнинг мақсади, қашшоқлар, хўрланганлар ҳаётининг бундай укубатлар ва қийинчиликлар билан тўлиб тошгани уларнинг пешонасига битилган қисмати эканлигини ёхуд ҳар қанча интилишмасин, улар бундай ҳаёт тарзидан ҳеч вақт қутула олмасликларини айтиш бўладими, умуман, Достоевскийнинг нима дейишидан, қандай фалсафани олға суришидан қатъи назармен “унинг бизларга катта сабоқ бераётганини тушундим”, деб такризга хулоса ясалган.

Адабий такризнинг мукаммал даражадаги пишиқ асарга айланиши учун илмийликнинг ўзи етарли эмас. Чунки адабиётшуносликка оид асарларнинг ўзаги олимнинг шахсий позициясининг қай даражада намоён бўлишига боғлиқ. Адабий такризда таҳлил ва ёндашув бирлашиб яхлит ҳолда асарнинг “маза”сини таъминлайди. Адабиётшуноснинг “мен”и адабий такризда қандай намоён бўлишига қараб такризнинг пишиқлигига баҳо бериш мумкин.

Аммо адабий такризда бадий асарнинг моҳиятини очиб бериш учун мутолаанинг ўзи етарли эмас. Ўқимок ва уқмок учун бадий асар ижодкорининг ички дунёсини яхши англаш, унинг руҳиятининг энг чекка жойларидаги чигалликларигача ҳис эта олиш адабий такризнинг ўқишли чиқишини таъминлайди. Ана шунда адабий такриз мукаммал асарга айланади.

Ижодкор руҳиятига назар солиш орқали асарнинг туб-тубида яшириниб ётган ҳис-туйғуларга ошно бўлишга сабаб бўлади.

Бадий асарда, истаймизми-йўқми, муаллифнинг ўзлиги, қиёфаси акс этади. Бироқ ана ўша қиёфани тўлалигича кўра олиш ҳар қандай адабиётшуноснинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун олимда ижодкор руҳиятига кира олиш маҳорати бўлиши талаб этилади. Асар хоҳ насрий, хоҳ шеърий бўлсин, ижодкорнинг юзи. Китобхон асарни бир маромда, қоқилмасдан ўқиши учун ҳам ёзувчининг нима демокчилигини ҳис этиши зарур.

Агар адабий такриزلарнинг бадий асар тарғиботчиси, камчилик ва ютуқларни рўй-рост кўрсатадиган асар деб билсак, муаллиф қалбига назар

солмасдан ёзилган тақриз жанр талабларига тўла жавоб бермаслигини таъкидлаш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ижодкор руҳиятига назар солиш адабий тақризнинг инкор этиб бўлмайдиган талабидир. Замонавий адабиётшунослигимизда адабий тақризлар яратиб замонавий адабий жараёнларни баҳолайдиган тақриз усталарининг асарларини кузатиб уларнинг муваффақияти энг биринчи галда кечинмадошлик туйғуси сабаблигини англаш мумкин.

Адабиёт ва адабиётшунослик бир-биридан айро тушмайдиган икки жабҳадир. Адабий тақризлар эса адабиётшуносликнинг етакчи жанри ҳисобланади. Адабий тақризларнинг қай даражада эканлиги замонавий адабиётшуносликнинг қиёфасига таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Тақризда асарга қандай баҳо бериши эмас, балки асарни қандай баҳолаш муҳим. Чунки, асарга ҳар томонлама, атрофлича баҳо бериш учун мустаҳкам билим, тасаввур ва холис баҳолай олиш қобилияти керак бўлади. Тақризларнинг яхши, мукаммал асар даражасига етиш учун муайян омиллар зарур. Битирув малакавий ишининг мавзуси тақризлар билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам ана шу омилларни кўриб чиқдик.

Публицистиканинг бошқа жанрларидан фарқ қилган ҳолда тақриз ҳужжатлиликка яқиндир. Тақризга адабий асарни санъатнинг тарғибот воситаси сифатида қараб тақризчи ўзининг мулоҳазаларида ҳаётий манбалар билан асарда тасвирланган воқеаларни солиштиради, аслидаги воқелик билан фактларни, ҳужжатларни бир-бирига қанчалик мос келишини ўрганади. Албатта, тақризнинг асосини ҳам худди корреспонденцияда, очерк, фелъетон, репортажда сингари, факт ва маълумотлар, зарур манбалар, ҳужжатлар ташкил қилади. Фақат тақризда бу фактлар ҳаётдан олинмайди, балки олимнинг ёки рассом, актёрлар аллақачон ўз илмий-бадий асарида, спектакль, чизган суратида қўллаб бўлган фактларга мурожаат қилади.

Замонавий публицистикамизда яратилаётган тақризларни ўрганиш орқали илмий хулосалар ҳосил бўлди. Ўзбекистон матбуотида эълон қилинаётган материаллар орасида тақризларнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинди. Ўзбекистондаги етакчи нашрлардан бири саналган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида, “Ёшлик” ва “Шарқ юлдузи” журналларида эълон қилинган тақризларни таҳлил этиш бадий адабиётимизнинг бугунги қиёфасини тасаввур этишга ёрдам беради.

Газета ва журналлардаги тақризларнинг фарқли жиҳати шуки, газеталардаги тақризларга нисбатан журналларда берилаётган тақризлар кенгроқ очиб берилганини тадқиқот ишим давомида билиб олдим.

Ўзбекистон матбуотида адабий тақризларнинг ўрни ғоят муҳим. Аммо бугунги кунда кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, матбуотда таҳлилий жанрлардан кўра ахборий жанрлар кўпроқни ташкил этмоқда. Албатта, таҳлилий йўналишдаги газета-журналларда тақризлар нашр этиб борилади. Бироқ адабий тақризлар ахборий жанрларчалик кўп нашр этилмаяпти. Адабий тақризларда фақат бадиий асарларгина эмас, балки сахна асарлари, тасвирий санъат асарлари ҳам таҳлил қилинади. Аммо тақризлар ахборий жанрларчалик кўп нашр этилмаяпти. Лекин тақризларнинг аксарияти бадиий адабиёт маҳсулига тегишлидир.

Тақризларда муаллифининг руҳий дунёсига кириш орқали асар моҳиятини чуқур англаш мумкин. Зеро, ҳар бир асарда, яратувчисининг сийрати акс этиб туради. Ёзувчининг ижодини таҳлил этаётганда албатта унинг ички дунёсига назар солинади. Ана шунда адабий тақриз шунчаки таҳлилий материал эмас, балки ёзувчининг таржимонига, янада аниқроғи, “бадиий асар таржимони”га айланади. Ана шунда адабий тақриз қуруқ баёндангина иборат бўлмай, ҳароратли пишиқ асарга айланади. Адабий тақризларда муаллиф “мен”и айнан нималарда кўриниши ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало шуни унутмаслигимиз лозимки, ҳар бир мунаққиднинг ўзига хос ёзиш услуби, дастхати бўлади. Асосийси, бу дастхатнинг қай даражада бўлишида ва унда кўтарилган мавзунинг долзарблик даражаси ҳам кўп нарсани ҳал этади. Бошқа томондан эса, маҳоратли танқидчи қайси мавзуда ёзмасин, унинг долзарб жиҳатларини топа олади.

Монотақризда муаллиф битта асарни таҳлил қилади. Албатта, уни бошқа шунга ўхшаш асар билан қиёслаши мумкин. Лекин бу қиёслаш тақризда катта жойини эгалламайди. Монотақризда муаллиф таҳлил қилаётган асарни аудиторияга маълум бўлган асар билан қиёслайди.

Политақризда эса икки ёки ундан ортиқ асарлар таҳлил қилинади. Одатда улар бир-бири билан таққосланади ва у тақризнинг асосий ҳажмини эгаллайди. Бундай тақризлар янги яратилган ҳамда аудиторияга номаълум бўлган ёки

маълум кишиларгина хабардор бўлган асарлар ҳақида қиёсий таҳлил олиб боради.

Тақризлар номидан ҳам маълумки, ижтимоий жараёнларга муносабат билдирадиган, ҳам илмий, ҳам таҳлилий йўналишдаги публицистикага доир жанрдир. Тақризларнинг тили содда, тушунарли, таҳлил ва ёндашув – бирламчи ўринда туради. Аммо танқидий ва таҳлилий руҳ тақризни мазмунли қилади. Хуллас, тақризнинг матбуотдаги ўрни бир жиҳатдан пасайган десак, яна бир томондан ривожланиб ҳам борган.

Хулоса қуйидагича, бугун матбуот нашрларида тақризлар берилиб борсада оммани унчалик жалб этолмаяпти. Улар фақат соҳа мутахассислари ва шахсий мухлислари учун босилаётгандек. Бугун ахборот макони ҳаддан зиёд тўлиб тошган бир пайтда балки шунинг ўзи қониқарлидир. Балки янги бир инқилобий услубга ўтиш керакдир. Ҳозирча бу кичик тадқиқот натижаси билан жўяли жавоб беролмайман.

Битирув малакавий ишимизнинг мақсадини кириш қисмида баён қилган эдик. Ўйлаймизки, тақризлар устида олиб борган кичик илмий-тадқиқотимизда кўзлаган мақсадимизга озми-кўпми эришдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузалари.// “Халқ сўзи” 2010 йил.
- 5 “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 24.04.1997 й..
6. Аҳмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. Тошкент: “Фан”, 2005.
7. Дўстқораев Б. Ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихи. Тошкент: “ТошДУ”, 1989.
8. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Тошкент: “Тафаккур”, 2011.
9. Норматов У. Уфқларнинг чин ошиғи. Тошкент: “Yurist-media markazi”, 2008.
10. Расулов А. Бетакрор ўзлик. Тошкент: “Мумтоз сўз”. 2009.
11. Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. Тошкент: “Шарқ”, 2000.
12. Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Тошкент: “Янги аср авлоди”. 2004.
13. Худойберганов Н, Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. Тошкент: “Ўқитувчи”. 1990.

14. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Тошкент: “Шарқ”. 2004.
 15. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Тошкент: “Ғафур Ғулом”. 1976.
 16. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. I том. Тошкент: “Фан”. 1987.
 17. Қўшжонов М. Моҳият ва бадият. Тошкент: “Ғафур Ғулом” 1977.
 18. Умуров Н. Адабиётшунослик назарияси. Тошкент: “Абдулла Қодирий” 2004.
 19. Э.Фихтелиус. Журналистиканинг 10 қоидаси. Т. 2002. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.
 20. “Ёшлик” журнаlining 2009 – 2010 йилги таҳламлари.
 21. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2011 йилги таҳламлари.
 22. “Маърифат” газетасининг 2011 йилги таҳлами.
 23. Интернетдаги www.google.uz қидирув портали.
 24. Ўзбекистоннинг етакчи www.ziynet.uz сайти.
 25. www.wikipedia.org.
 26. <http://www.inosmi.ru>
- Шунингдек, бир қатор ахборот манбаларидан ҳам фойдаланилди.

Илова

Адабий терминлар

Тадриж – аста-секин, даражама-даража содир бўладиган миқдорий ёки сифат ўзгаришлар, табиат ва жамият ҳодисаларининг ҳаракат ва ривожланиш формаларидан бири, эволюция.

“Танқид” арабча сўз бўлиб, иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот, назария ва шу кабиларнинг салбий ва ижобий томонларини, ютуқ ва камчиликларини муайян нуқтаи назардан баҳолаш, таҳлил этиш деган маънони билдиради.

“Библиография” эса латинча библион-китоб, “грапно-ёзмоқ” деган сўзлардан олинган бўлиб ёзма асарлар, китобларни таҳлил этиш, улар ҳақида фикр билдириш деган маънодадир.